

ЎХХ МУАССИСЛАР МАЖЛИСИНING МУРОЖААТИ

Матбуотда хабар қилингани каби (bbc.co.uk) шу йилнинг 23 ва 24 апрель кунлари БМТ Инсон Ҳуқуқлари Бош Комиссарлиги Бошқармаси (ИХБКБ) Ўзбекистондаги ва Туркменистондаги инсон ҳуқуқлари аҳволини кўриб чиқади. Шу муносабат билан УХХ Муассислар Мажлиси ИХБКБ раҳбари Наванетхем Пиллэй Хоним номига бир мурожаат билан чиқди. Мурожаатда шундай дейилади:



«БМТ Инсон Ҳуқуқлари бўйича Бош Комиссари Наванетхем Пиллэй Хонимга! Ҳурматли Наванетхем Пиллэй Хоним! Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ИХБКБнинг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳволини 23 ва 24 апрель 2013 йил куни кўриб чиқиши муноса-

бати билан Сизга мурожаат қилмоқда.

Ўзбекистон дунёнинг энг репрессив давлатлари рўйхатига киради. Ислон Каримов режимининг инсон ҳуқуқларини паймол қилаётгани ҳақидаги фактлар очиқ ойдиндир. Шундай бўлса ҳам биз бу масаладаги энг муҳим нуқталарни эслатиб ўтмоқчимиз:

-1991 йилдан кейин Ўзбекистонда эркин сайловлар ўтказилмади. Мамлакат бир кишининг жинояткор ва порахўр гуруҳи томонидан бошқарилмоқда. Тўғрироғи, расмиётда бизнинг мамлакатимиз Ўз Конституциясига эга, аммо унда Конституциявий тузум, қонун ва ҳуқуқнинг устунлиги йўқдир.

-Бундай қонунбузарлик ва ҳуқуқсизлик натижасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари кўпол равишда бузилмоқда, давлат органлари ўз халқига зўрвонлик қилмоқда, бу эса ўз ўрнида оддий инсонлар ҳаётида турли фожеавий ҳолатларга олиб келмоқда.

Ўзбекистонда мутлақ цензура мавжуд, бирорта муҳолиф нашр йўқ, маҳаллий ОАВ фаолияти эса маъносиз ҳолга келтирилган. Бундай шартларда шахс ва жамоат ташкилотларининг тараққиёти ҳақида гапириш кулгулидир.

- Каримов режими фақат давлатнинг куч ишлатар тизимларига асосланган. Бу тизимлар қонунсизлик билан режимдан норози бўлган кишиларни судсиз ва терговсиз ўлим қамоқхоналарига ташламоқдалар. Оддий диндорлар ва сиёсий маҳбуслар Каримов қамоқхоналарида даҳшатли қийноқларга солинмоқдалар.

Ҳурматли Наванетхем Пиллэй Хоним! Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг фожеавий аҳволидан келиб чиқиб, биз БМТ дан Ислон Каримов режимини қоралашни ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини яхшилашга қаратилган тадбирлар олишини сўраймиз.

Ҳурмат билан

Муҳаммад Солих
ЎХХ Муассислар Мажлиси
Раиси

ҲАҚИҚАТНИ БОРИЧА АЙТАЙЛИК...

ОАВ хабарларига қараганда ёзувчи Мамадали Маҳмудов 14 йиллик қамоқ жазосини ўтаб бўлиши ортидан 19 апрел 2013 йил жума куни озод этилган. Бу хабар албатта мени ҳам қувонтирди. Мен у киши билан Навоий 46 сонли зонасида ҳам бирга ўтирганман. У ва Муҳаммад Бекжон 12 отрядда эди. Мен 13 да эдим. Мамадали Маҳмудов ва Муҳаммад Бекжон 1999 йилда Тошкентда юз берган портлашларга алоқадорликда айбланиб, турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилгандилар. Бу хабарни бугун озодлик радиосида ҳам эшитдим. Озодлик радиоси сайтида бу масалага тегишли мақолада шундай сўзлар бор.

Иктибос; “Ҳозир Ўзбекистон қамоқхоналарида камида ўн нафар ҳуқуқ фаоли ва журналист бор.

Солижон Абдурахмонов, Аъзам Фармонов, Нозим Исоқов, Ғайбулло Жалилов, Абдурасул Худойназаров, Ғанихон Мамадхонов, Йўлдош Расулов, Дилмурод Саидов, Аъзам Турғунов каби журналист ва ҳуқуқ ҳимоячилари шулар жумласидан.

Ўн уч йиллик қамоқ жазосини ўтаб, ўтган йил феврал ойида озодликка чиқиши керак бўлган 58 ёшли сиёсий маҳбус Муҳаммад Бекжоннинг жазо муддати бир йил аввал 4 йил 8 ойга узайтирилди.

Журналист Юсуф Рўзимуродов ҳам соғлиғи ёмонлашганига қарамай, 14 йилдан буён қамоқда қолмоқда.”

Мени муносабат билдиришимга айна шу гаплар сабаб бўлди.

Мен ўз кўзим билан кўрган одамлар минглаб диний сабаблар билан қамалган маҳбуслар ўтиришибди. Улар журналист ва ҳуқуқ ҳимоячилари эмаслар. Аммо, улар шак шубҳасиз виждон тутқунларидир. Ноҳақ қамалиб ётган мусулмонлардир. Нимага ОАВ одагга журналист ва ҳуқуқ ҳимоячиларининг гапириши билан кифояланадилар мен тушунмайман?!

Мамадали Маҳмудов 14 йил ўтириб чиқди. Уни қанча мактасак ҳам камдир балки?! Уни қаҳрамон деб ёзишяпти. Балким қаҳрамондир?! Мен умуман унга унвон берилишга қаршимасман. Муаммо бошқа ерда.

Уни дунё танирди. Унга ва унга ўхшаган маҳбусларга диндорларга қилинган кўпол муносабатлар қилинмайди зонада. Мен бунни ҚАТБЙИ ИШОНЧ билан айтаоламан.

159 модда билан қамалганларни уриб кечаю кундуз отрядга киритмай ташқарида қўйиб мадҳия қуйлатганларида улар ичкарида ўтиришганига мен ГУВОХМАН.

1993 йилда қамалган Муҳаммад Ражаб домла ва ўша йили қамалган Самандар Қўқоновларга бу йил 20 йил тўлди. 20 ЙИЛ!

Улар ҳақида ОАВ нега жим?!

Минглаб қийноқларга солинаётган мусулмонларга нега эътибор кам?!

Мамадали Маҳмудов намоз ўқимасди. Аммо, намоз ўқиш маън қилинган Зона-

даги намозхонлар ҳар куни 5 марта намоз ўқиш жараёнида қаршиликга учрайдилар. Калтакланадилар. Изоляторга ташланадилар. Бир амаллаб намозни тинч ўқиб олсабк хурсанд бўлардик. Гадлар кўриб ментларга чақишарди. Кўрмай қолишса бу “бахт” эди. Итдек калтақлар жонга тегиб кетарди. Шу аҳволда ҳар куни яшаш керак. Мамадали Маҳмудовга намоз муаммоси йўқ эди. Намозхонлар эса бу масалада қаттиқ қийналардилар. Намозни тарк этувчилар ҳам бўлди. Аммо, аксарият намозни қанда қилмаганди. ОАВ бу ҳақида гапирмайди?! Ёки, бу инсон ҳуқуқи бузилиши эмасми?!

МЕН Мамадали Маҳмудов озод бўлганига хурсандман албатта. Лекин, Турмаларда ўнта журналистдан ташқари минглаб қаттиқ қийноқларга дуч келиб ҳар куни ўлимни кутиб яшаётганлар бор. Уларни ҳеч ким танимайди. Улар ҳақида АҚШ ёки бошқа давлат мулозимлари ўзбек режимига ҳеч қандай эътироз билдирмайди.

Аслида эса бу ўнта журналист диндорлар чекаётган азобу укубатни юздан бирини ҳам чеккан эмаслар. Мен бунни АНИҚ ИШОНЧ билан айтаоламан. Бунини ўша Юсуф Жума ҳам Мамадали Маҳмудов ҳам тасдиқлаши мумкин. Мазлумлар ҳақида жар солар эканмиз келинг ҳақиқатни тўлиқ борица айтилайлик!

Бу ОАВ ходимларини ҳам ва ҳар бир виждонли кишининг ҳам инсонийлик бурчидир!

М Абутов.



«ФАЙСБОК»ДАГИ «КАРИМОВ КЕТ» ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ВА ҲАЛИ АЪЗО БЎЛМАГАНЛАРГА!

Хурматли биродарлар, акалар ва укалар, опалар ва сингиллар!

Ўзбекистон Ҳокимиятини ноқонуний равишда эгаллаб турган Ислоҳ Каримов ва унинг жиноий гуруҳи Ўзбекистон халқини ўта ночор аҳволга солиб қўйди.

Ислоҳ Каримов 2 марта Асосий Қонун/Конституцияни бузиб Президентлик лавозимини ноқонуний йўллар эгаллаб олди, кўплаб қонунларни оёқ ости қилиб мамлакатда оғир ижтимоий сиёсий вазият юзага келишига асосий сабабчи бўлди.

Каримов бошлиқ гуруҳ ҳукмронлик қилган 24 йил давомида мамлакатда қашшоқлик ва ишсизлик кучайди, аҳолининг яшаш даражаси кескин пасайиб кетди. Юртни мажбуран тарк этиб, чэт элларда бир бурда нон топиш учун иш излаб кетаётганлар сони 4 миллиондан ошиб кетди.

Ҳокимиятни бошқаришни билмайдиган бу Гуруҳ асосан ўз Гуруҳи вакиллари аҳволи ҳақида қайғуради ҳолос. Чунки улар фақат ана ўша ўз тарафдорлари, милиция ва Миллий хавфсизлик кучлари ёрдамидагина халқни эзиб ўз ҳукмронлигини давом эттириши мумкин ҳолос.

Аммо бугун Ўзбекистон халқларининг сабр тоқати тугади.

Биз бугун «КАРИМОВ, КЕТ!» деб ҳайқираяпмиз. Каримов гуруҳи бу ҳайқирикларни эшитиб турибди ва тал-васага тушиб, нима қиларини билмай гангиб қолмоқда.

Бизнинг сафларимиз қанчалик кучаверса уларнинг сафларидаги саросима-

лик ва талмовсираш ҳам шунчалик кучаверса. Бу дунё тарихидан, халқларнинг золим ҳукуматлар билан курашидан маълум бўлган биз учун буюк, улар учун эса аччиқ ҳақиқатдир.

Улар Миср, Ливия, Тунис каби давлатларда ўзларига ўхшаган диктаторлик тузумларини халқ томонидан ағдарилишларини «Ғарбнинг шарқдаги бузғунчиликлари, исломий кучларнинг экстремистик ҳаракатлари» деб бузиб талкин қилмоқдалар, аҳолини ва ёшларни ана шундай курашлардан огоҳлантирмоқдалар.

Аммо уларнинг ёлғонини умри жуда қисқа, ёлғонга қурилган ҳар қандай сиёсат тезда фош бўлаверсади. Бугунги ахборот тез алмашиш даврида, юксак технологиялар даврида улар ривожланиш суръатини тушунмасликларини намойиш қилмоқдалар, инсонларнинг асл ҳақиқатни топиш йўлларини тўсиб бўлмаслигини жуда кеч англаб етмоқдалар.

Бизнинг озодлик, хуррият учун курашимиз турли туман партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ичида борар экан, уларнинг ичида шиддат билан кучайиб бораётгани бизнинг ана шу «КАРИМОВ, КЕТ!» Гуруҳимиздир.

Шу муносабат билан мен «КАРИМОВ, КЕТ!» гуруҳимизнинг оддий бир вакили сифатида Сизлардан шуни илтимос қилмоқчиман: Келинлар, ҳаммамиз бир оилани фарзандларидек Гуруҳимизни кенгайтиришга, даврани кенгроқ олишга ҳаракат қилайлик, зеро бизларнинг ҳаммамиз Ўзбекистон деб

аталмиш гўзал диёрнинг фарзандларимиз.

Бу муҳим ва муборак ишларга барчамиз қўлимиздан келганича ўз ҳиссаларимизни қўшайлик.

Бу учун саҳифани <https://www.facebook.com/#!/groups/karimovket/> ўнг томонида, балконда ликиллаб турган Каримов суратини остида кўрсатма берилган. У ерда «10 811 аъзолар, (658 янгилар)» Бошқаларни емейл орқали таклиф қилинг» дейилган.

Ўзингизга маълум, даврани қанчалик кенгайтурсак, сафларимиз қанчалик кўп ва зич бўлса Каримов гуруҳининг сафлари шунчалик камаяверади, уларнинг саросималари кучайиб, режимни ағдартиш шунчалик осонлашаверади.

Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Буни тарихнинг ғилдираги, ушбу кунларда жаҳонда юз бераётган воқеалар кўрсатиб турибди.

Ўзбек халқи ҳам бир кўзғолса Каримовнинг жиноятчи Гуруҳини тиркиратиб юборишга ва унинг ўрнига халқнинг ўзи танлаган сиёсатчиларни ҳокимиятга олиб келишга, дунёдаги барча хур ва озод халқлар каби Ўзбекистонликлар ҳам бахтиёр ҳаёт қуриш имконларига эга бўладилар.

Бундай буюк ишларни амалга ошириш учун сизлардан, ана шу буюк ишларни етакчиларидан шижоат, даъват ва собитқадамлик ила қилинадиган ишлар талаб қилинади.

Ана шундай ишлардан бири, бу даврамизга емейл адреслари бўлган танишларингизга таклифномалар жўнатишдир, уларни «Бизга қўшил!» деб даъватлар қилишдир.

Иккинчи муҳим иш, бу ана шу ерда чоп этилаётган кизикарли материалларни таниш билишларга узатиб туришдир.

Ўзбекистон халқининг ОЗОДЛИГИ ВА ХУРРИЯТИ БУ КўПГА КЕЛГАН Тўй.

БУ БАРЧАМИЗНИНГ ҲАРАКАТИМИЗ, КУРАШИМИЗ ТУ-ФАЙЛИ АМАЛГА ОШИШИ МУМКИН ҲОЛОС.

КЕЛИНЛАР, ХАММАМИЗ БИР-ГАЛАШИБ, БИР ЁКАДАН БОШ ЧИҚАРИБ, АНА ШУ УЛКАН ВА БУЮК ИШЛАРГА АСТОЙДИЛ КИРИШАЙЛИК!

Ҳазратқул Ҳудойберди

Бугун Мамадали Маҳмудовнинг турмадан чиққан куни тушган суратини кўриб ичимдан зил кетдим. Суратда Сталин қамоғи ва Каримов зиндонининг икки маҳбуси ёнма ён турар эди. Мамадали аканинг эғнида турма робаси каби қоп қора кийим. Атворида 14 йиллик зулм муҳри. Фақат кўзларгина ўша ўша жасоратли. Мамадали аканинг руҳий ҳолатини унинг дўсти Муҳаммад Солиҳ 1982 йилда тасвирлаган эди. Бу мисраларни қайта ўқиб эгим жимирлашди.

«У турма эшигига суяниб турибди. Қўйлагининг ёқасини шамол тортқилайди. Агар сочи бўлса эди, туг каби ҳилпирарди. Орқасида қора фон,

«ОЗОДЛИК» КАРТИНАСИ

аждаҳонинг оғзидай тубсиз қоралик. Ёнида назоратчи. Симёғочга ўхшайди. Лекин унга суяниб бўлмайди. Собик маҳбус турма эшигига суянганича, кўзларини қисиб атрофга қарайди.

Миллати ким унинг?

Маҳбуснинг миллати йўқ, миннати йўқ. Миллат учун курашган одамнинг миллати йўқ. «Мана шу аблаҳлар ватанпарвар бўлса, мен ватан хоиниман» деган эди бир шоир. (Нозим Ҳикмат) Мана у, ватаннинг суюкли «хоини», кесакига суяниб турибди ҳолсиз.

Бу суратга узоқ қараган одамнинг бадани жимирлаб кетади.



Бу суратга узоқ қарашга ботинган одам ўзини турмага кириб кетаётгандай ва эшик олдида мана шу озодликка чиққан маҳбусни учратгандай, унга ҳасад билан қарагандай сезади ўзини»

Шухрат Бобожон

Ўзбек медикларининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистоннинг бугунги демографик аҳоли советлар давридагидан ҳам аянчлироқ. “Озодлик” радиосининг шу йил апрел ойидаги дастурларидан бирида айтилишича, туғилаётган ҳар мингта гўдакдан 50 таси(!!!) ўлаяпти, ҳар мингта гўдакдан 70 тасининг эса мияси нормалдан кичик туғилапти. Аҳолининг ўртача бўйи эса 12 сантиметрга кичрайибди.

БИЗ ЛИЛИПУТЛАР МИЛЛАТИ ЭМАС ЭДИК...

Советлар пайтида бундай даҳшатли рақамлардан, ҳатто ўзбекларнинг туғилишини қискартиришга астойдил бел боғлаган совет империалистларининг ҳам виждони бир оз безовталанган бўларди. Эсингизда бўлса, Горбачев даврида, ўзбек оилаларида туғилаётган ҳар мингта гўдакдан 37 таси ўлаяпти, деган маълумотдан совет матбуотида анчагина шов-шув кўтарилган эди. Ҳали ўша даврлардаёқ, ўзбек йигитларининг кўпчилигининг бўйи кичик, хаста ва заифлиги туфайли аскарликка ярамаётгани ҳақида юзлаб мақолалар ёзилганини ҳамма эсласа керак. Агар шундай “прогрессия” давом этаверса, якин ўн йиллар ичида биз кам сонли, кам қонли, кам бўйли ва кам ўйли – ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан “лилипут” бир миллатга айланиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Бу камлик қилгандай, Ўзбекистонда бугун советлар даврида олиб борилган ва ҳозир ҳам садоқат билан давом эттирилаётган “оилани режалаштириш” номи бир сиёсат ҳам олиб борилаяпти-ки, ундан кўзланган асосий мақсад, шундоқ ҳам демографик ҳалокат ичида яшаётган Ўзбекистон аҳолиси сонини янада қискартиришдир.

150 миллионлик аҳолига эга бўлган кўшини Россия ҳукумати ўз аҳолиси сонини кўпайтириш ҳақида қайғуриб ётган бир пайтда, Ўзбекистон, ўзининг бор-йўғи 23 миллионлик, унинг ҳам асосий қисми турли хил хасталикларга учраган ва ўлим сони жуда юқори бўлган аҳолиси сонини камайтириш сиёсатини олиб бормоқда. Бу йўлда ҳукумат турли хил “тадбирий чоралар”, агитация ва пропагандалардан ташқари, илгари, советлар даврида кузатилмаган бир ноёб “эксперимент”га ҳам қўл урган-ки, беихтиёр, бугунги ҳукуматнинг “тадбиркор”лигига “қойил” қоласан.

Масалан, советлар даврида туғилишни қискартириш, очикроқ айтганда, аборт ва бошқа тадбирларга аҳолини рағбатлантириш учун диний уламолардан фатво олиш — ҳатто Компартиянинг энг топқир раҳбарлари ҳаёлига ҳам келмаган эди. Ўзбекистонда эса, шундай иш амалга оширилди — Ўзбекистон диний идораси муфтиси Абдурашид Баҳромов ўзбек аёлларига камроқ туғишлари учун фатво берди. Гўё асрлар бўйи аёлларимиз, кимнингдир фатвоси билан туғиб келгандай, динимизда туғилажак гўдакларни ўлдириш таъқиқланмагандай, гўё кимнингдир фатвоси билан динимиз асосларини ўзгартириш мумкиндай.

Қуръони каримнинг Ал-Исро сураси, 31-чи оятида шундай дейилади:

“Болаларингизни йўқчиликдан кўриб, ўлдирмангизлар — уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берамиз, уларни ўлдирмоқ, шак-шубҳасиз, катта гуноҳдир”. Ўзбекистон ҳукуматининг Советлар даврида бошланган “оилани режалаштириш” ишига диндорларни ҳам сафарбар этиш ташаббусини “шогирд ўз устозидан ҳам ошди”, деган таъбир билан ифодалаш мумкин.

Аmmo шу билан бирга ўзбек ҳукуматининг туғилишнинг “зарари” ҳақидаги агитациялардаги мантикий замин ҳеч ўзгармаган: ўзбек ҳукумати ҳам, худди советлар каби, “аёл қанча кам туғса ва болалар қанча кам туғилса, аёл ҳам, бола ҳам шунча соғломроқ бўлади”, деган мантиқсизликдан бошқа жиддийроқ бир баҳона ўйлаб тополмади.

Советлар пайтида ўзбек оилаларини қискартиришдан, энг аввало, сиёсий мақсадлар кўзланган эди. Яъний, Совет раҳбарияти қайси миллат кўп сонли бўлса, ўша миллатнинг сиёсий-ижтимоий-маданий иддаолари ҳам каттароқ бўлишини, потенциали ҳам оша боришини яхши биларди. Шунинг учун ҳам, ўзбек аёлларига 2 та бола туққанидан сўнг, унга энди туғмаслик тавсия қилиниб, уларга туғишга қарши турли хил эмлашлар ўтказилаётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг ўзида яшаётган рус аёлларига иложи борича кўпроқ туғиш тавсия қилинарди. Ҳатто Россияда туққан аёлларга бериладиган имтиёз ва нафақалар ҳам ўзбек аёлларига берилдиган нафақа ва имтиёзлардан бир неча баробар юксакроқ ва кўпроқ бўлган. Бундай адолатсизлик “Россия федерацияси қонунлари”нинг ўзига ҳослиги билан оқланарди.

Ўзбекистоннинг бугунги ҳукмдорини эса, “оилани режалаштираркан”, рус империалистлари кўзлаган мақсадларни кўзлаганликда айблаб бўлмайди, чунки, у империалист эмас, ўзи ўзбек бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, унинг Ўзбекистон халқидан бошқа халқи йўқ, деб ўйлаймиз.

Бу мустабид ҳукмдор ташқаридаги миллатимизга душман бўлган қандайдир кучларнинг амрини бажаряпти, деган гумонни миядан нарироқ ҳайдаб, у фақат ўз ҳокимиятини сақлаб қолишни, унинг ҳокимиятига қарши чиқадиганларнинг, яъний, душманлар сонини (зеро, бутун бошли бир халқ бу золимнинг потенциал душманидир) имкон борича озроқ бўлишини истамоқда, деган ўй бу мустабидга нисбатан кўрсатилган энг ҳолис, “илтифотли” ўйлардан биридир. Ёки бундан ҳам ортиқроқ марҳамат кўрсатиб, у “ортиқча оғизлар”ни тўйдиролмаслик кўркуви билан ҳам билан ҳам шундай қилапти”, дейиш мумкин.

Нима бўлганда ҳам, бу тахминлар “фитна назарияси”ни (“теория заговора”) ҳам тўла инкор этолмайди. Чунки, ўз шахсий манфаатларини “ташқари”нинг манфаатлари билан уйғунлаштиришни Ўзбекистон ҳукмдоридан ўтказиб бажарадиган бошқа бирон бир сиёсатчини топиш кийинлигини ҳамма яхши билади.

Мақсуд Бекжон

НАМАНГАНДА ДАҲШАТЛИ ЖИНОЯТ

2013-йил 19-апрель куни соат 17:00 ларда Наманган шаҳар Янги-қурилиш МФИ худудида яшовчи 2007-йилда туғилган М. Ж исмли қиз яшаш уйи олдида уйнаб юрган вақтида, номаълум шахс «СЕНГА КОНФЕТ ОЛИБ БЕРАМАН», деб алдаб, Наманган шаҳар худуди билан чегарадош бўлган, Янгиқўрғон тумани Шарқ Юлдузи К,ФИ Дулди МФИ худудидаги «Ж. Охунов» фермер хужалиги дала майдонига олиб бориб, уни мажбурлаб номусига теккан. Бу жиноят юзасидан уни етаклаб кетаётганини кўрган фуқаро А. Хнинг кўрсатмаси асосида тайёрланган фоторобот, чизилган сурат ва ҳар иккаласини бирлаштирилган ҳолатдаги тасвири. (Белгилари; ёши 25-35 ёшларда, бўйи 169-175 см, юзи юмалоқ, кўзи қора катта-катта, сочлари қора 6-7 см узунликда, соқоли усган, эгнида қора рангли спорт кийимда. Пастдаги расмга қаранг)



Мана шундай афиша варақалари Наманган кўчаларининг ҳар икки қадамида, ҳар икки ҳайдовчи ойнакларига, идора ва ташкилот пештахталарида, ҳуллас ҳар қадамда ёпиштирилган.

Бу кимсанинг 5 яшар қизалоқни ваҳшийларча зўрлаши ва уни бир четта қолдириб кетиши ортидан бугун Наманган вилоятининг барча қуч ишлатар ва қидирув тизимлари оёққа турган. Ҳар бир шубҳали фуқаро қўлга олинмоқда, маҳаллаларда суриштирув кучайтирилди.

Бугунги кунда қай бир ерга борманг фақат мана шу ваҳшийлик тилга олинмоқда. Наманган халқи бу аблаҳни қўлга олиниши билан уни «бизга топширасизлар, аввало қизнинг оиласи ўз ўчини олиши керак, ундан кейин ўзимиз қийнаб ўлдирамиз, уни бизга тутиб беринглар» дейишмоқда.

Бу жиноятдан халқ ўта таъсирландики ҳар бир фуқаро уни янчиб ташлашга тайёр эканини айтмоқда.

Жабранувчи қизалоқ айна дамда шифохонадан чикди ва тергов ишларида қатнашмоқда. Эслатиб ўтамыз бу қизалоқ зўрлаш оқибатида юра олмас даражага келган, 2 кунлик реанимация бўлимида ўзига келтирилган. Зўрлаш ута аянчли содир этилганки, уни ҳар икки аъзосига тажовуз этилган.

Намангандан УХХ ҳайрихоҳи

Хикмат-ул Диёнат

ҲАММА МАЗЛУМЛАР БИЗНИНГ МАЗЛУМЛАРДИР

Мазлум зулмга дучор бўлган, яъни ҳақ ва ҳуқуқи кўлидан олинган, демакдир. Адолат эса бунинг зидди, яъни инсон бошқа мавжудот бўлсин, уларга ҳақ ва ҳуқуқларини таъминлашни билдиради. Инсонларнинг асосий ҳақ ва ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:

- Ҳаёт, яъни жон дахлсизлиги. Инсонни ноҳақ ўлдириш ёки унинг жонига қасд қилиш таъқиқланади.

-Ақлнинг дахлсизлиги. Инсонларни ақлдан жудо қиладиган амаллар ва нарсалар таъқиқланади.

-Эътиқод (дин) дахлсизлиги. Инсонни бир эътиқодга (динга) эргашишга ёки ундан чиқишга мажбурлаш таъқиқланади.

-Мол –мулк дахлсизлиги. Инсонларнинг мол мулкига тажовуз қилиш, яъни ўғрилиқ, қароқчилик, порахўрлик каби ноқонуний йўл билан мол мулк ортириш таъқиқланади.

-Насл дахлсизлиги, яъни инсон наслининг бузилишга олиб келадиган фахш ишлар (зино ва шунга ўхшаш амаллар) таъқиқланади

-Инсон шон ва шарафининг дахлсизлиги, яъни тухмат, ёлгон ва бўхтон билан инсонларни обрўсизлантириш таъқиқланади.

Бугунги Ўзбекистонда Ислоҳ Каримов диктатураси инсонларнинг мана шу асосий олти ҳақ ва ҳуқуқларини паймол қилмоқда. Давлат органлари инсонларнинг жонларига қасд қилмоқда, ақлларини ишдан чиқарадиган махсулотларни ишлаб чиқармоқда ва сотмоқда, эътиқоди учун



минглаб кишиларнинг умрини қамокда чиритмоқда, порахўрлик ва зўровонлик билан инсонларнинг мол мулкларини тортиб олмоқда, фуқуш ва ахлоқсизликнинг ёйилишига сабаб бўлмоқда, турли тухмат ва бўхтонлар билан фуқароларни обрўсизлантирмоқда.

Бундай золим режимнинг жиноятларидан бутун бошли халқ мазлум ҳолга тушган. Шундай экан, бизнинг мазлумлар ичида танлов қилишга ҳаққимиз борми? Ривоятларда айтилишича, чанқаган жониворга сув берган киши жаннатлик бўлар экан. У ҳолда миллати, дини, касби, илмий даражасига кўра мазлумларни ажрата олмаيمиз. Яъни, мана бу мазлум биздан, бошқалари эса биздан эмас, мана бу мазлум оз таёқ еган, буниси эса кўп таёқ еган, дея уларни синфландира олмаимиз. Бу маънода бутун мазлумлар бизнинг мазлумларимиздир. Уларга аввало сўз бошида айтилган ҳақ ва ҳуқуқлар таъминлашни керак. Кейин ҳам бир киши аввало Аллоҳнинг хидояти билан ва қолаверса

ўзининг иродаси билан эътиқодини ва ақлий йўлини танлайди. Ўзининг қобилияти ва хунарига кўра мол мулк ортиради, оила қуриб, шахсий ва ижтимоий ҳаётини тартибга солади.

Биз учун ҳозирги масала умуман зулмни ўртадан кўтариб ташлаш ва унинг ўрнига Адолатни ўрнатиш учун курашишдан иборатдир. Каримов диктатурасига қарши чиққанлиги учун Ўзбекистон қамокхонларида азоб чекаётган барча мазлумлар дини, сиёсий қараш, иқтисодий имконлари, истеъдоди қандай бўлишидан қатъий назар режим маҳбусларидир. Улар дарҳол озод қилинишлари керак. Зулмнинг табиати бир хил бўлгани каби адолатнинг табиати ҳам бир хилдир. Адолат тарозуси хато торга олмайди. Ҳамма адолат тарозусида айни вазнга эгадир. Танлов эса инсонларнинг ўз танловларидир. Шунинг учун ҳам режимга қарши бўлиб қамалганлар ва қатагон қилинганларнинг барчаси бизнинг мазлумлардир. Уларнинг барчасига бир хил муомалада бўлаимиз, уларнинг барчасининг озод бўлишини истайимиз. Озодликларига эришгандан кейин уларни Ҳақ йўлга ҳикмат билан давъат қиламиз. Чунки ноҳақ қамокка ташланган кишининг иродаси синдирилган бўлади, Ҳақ ва ботилни ажратиб олиши осон бўлмайди. Эркинлик шароитида эса инсон оқ ва қорани ажрата олади, зотан инсонни бирор эътиқодга киришга мажбурлаш ёки эътиқодидан мажбурий воз кечиришнинг ўзи сўз бошида айтлгани каби қатта бир зулmdir...

Намоз Нормўмин

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА МАНФААТ ҲИСОБИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистонда — Каримов диктатураси даврида — бошдан-бош инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни халқро майдонда, айниқса шу масалани ўрганадиган, таҳлил қиладиган, тергайдиган, унга баҳо берадиган халқро йиғин, симпозиум ва конференцияларда ҳукумат томонидан тинимсиз қўлланилиб келинаётган уч жиҳат шакллантирилди:

1) Унча-мунча давлатда бўлмаган, анчагина демократик руҳдаги қонунчилик қабул қилинди;

2) Ҳар қандай танқидни рад этиб “тўғри” сўзларни тоғиб гапира оладиган, Акмал Саидов, Сайёра Рашидова, Алишер Шарофутдинов, Абдукарим Шодиев, Есемурат Канязов каби ёлгон гапиришдан ўз халқидан уялмайдиган, фақат ўзи ва ҳукуматнинг манфаатини ўйлайдиган маддоҳлар гуруҳи тузилди;

3) Уларга ҳар қандай йиғинда “бизда юсак демократик қонунчилик мавжуд” деб уқтиришга, бироқ бу қонунчилик, жумладан мамлакат Конституцияси, мутлақо ишламаслиги ҳақида гапирмаслик буюрилган.

Дунё демократик ҳамжамияти ва нуфузли халқро ташкилотларни лақиллатишда бу услуб салкам 20 йилдан бери самарали ишлатилиб келинапти. Буну сиёсатда АИЭРЛИК дейилади. Бир донишманд: “Мени алдаш қийин эмас, мени алдасалар мен ҳатто суюнаман” деганидай, БМТнинг

“Инсон ҳуқуқлари Кенгаши”, “Инсон ҳуқуқлари Комитети”, “Қийноқларга қарши Комитети”, “Европада ҳафтидалик ва ҳамкорлик ташкилоти”нинг “Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюроси” каби (ва бошқа) тепса тебранмас ташкилотлар худди шу донишманд каби алданишга хурсанд бўлиб фаолият юргизишмоқда.

Бу жумбоқнинг тагида аслида манфаат ётар экан. Манфаат эса сиёсий ўйин ва айёрлик билан боғлиқ. Қоинода сузиб юрган кичик бир сайёрамизда инсоният сони 7 (етти) миллиарддан ошгани, бу оммани боқадиган табиат ноадолат ҳукуматлар томонидан, бир булғор журналисти “Адолат ҳисси одамлар орасида жуда адолатсиз тақсимланган” деганидек, мисли кўрилмаган ҳолатда талон-тарож қилинаётгани шароитида жаҳон демократик структураларнинг алданишдан хурсанд бўлишдаридан бошқа нимани кутиш мумкин? СССР, АҚШ ва Европанинг қудратли давлатлари ўнлаб йиллар давомида бир қатор ночор давлатлар билан урушиб келган ва урушиб келмоқда. АҚШ мазлум Афғонистондан чиқиб кетиши учун мустабид Ўзбекистон ҳукумати мамлакат йўлларини очиб беришга рози бўлгани сабабли унинг арзандасига айлангани манфаат эмасми? Шундан кейин БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари Кенгаши” мажлисида “Қўшма Штатлар

вакили Ўзбекистондаги барча сиёсий маҳкумларни озод этишга чақирди” дейилаётганига ишониб бўладими? Асло! Халқро муносабатларда манфаат ўйини давом этмоқда. Акмал Саидов ва унинг Женевага келган ҳамроҳлари “Ўзбекистон” номли мустабид ҳукуматнинг бу ўйиндаги кўғирчоқлари, холос.

Шуну ҳам айтиш лозим-ки, инсоният фақат ҳукуматлар ва уларнинг кўғирчоқларидан иборат эмас. Инсоният ичида адолат, инсон ҳуқуқлари, одил суд, дин, сўз ва матбуот эркинлиги ҳамда бошқа умуминсоний адолатли қадриятлар учун тинимсиз кураш олиб борётган инсонлар кам эмас. “Яхши одамлар кам деб арзу-дод қилиш керак эмас, шундайлар борлигига Яратганга шукроналар айтиш керак” — мен шундай яхши одамларни назарда тутмоқдаман. Ҳазратқул Худойберди ўз мақоласида айтганидек адолатни тиклаш йўлида яхши одамларнинг бошини бирлаштиришга ҳаракат қилиш асосий мақсадимиз бўлиши керак.

Курашнинг оғирлиги шубҳасиз. Унга бардош бериш ундан-да оғир. Адолатли замонни биз кўрмаслигимиз мумкин, бироқ бу адолат учун кураш йўлидан бизни чекинтирмаслиги керак. Бизнинг курашимиз фақат ўзимиз учун эмас, балки болаларимиз, неварачевараларимиз учун ҳам қаратилгандир. Мустабидлик ва адолат ўртасидаги курашда охир-оқибат адолат энгиши донишмандлар томонидан башорат қилинган!


Толиб Ёқубов

Маълумингизким, 2005 йил “Андижон воқеалари”дан сўнг И.Каримов Америкадан юз ўгириб, Европа мамлакатларидан кўриб, Россиянинг “бағри”га ўзини отган эди. Бугун эса Россиядан воз кечиб, Американинг, “қўйнига” кириб олди. Шу десангиз, “беозор” мушугимиз анча муғомбир бўлиб чиқди. Унинг олий мақсади биргина корин гами эмас экан.

Бўлса, энди эса “маданий” йўл билан Ўзбекистонни таламоқдалар. Ўзбекистон азалдан чор Россияси учун хом-ашё базаси вазифасини ўтаб келган. Бундан кейин ҳам шу сиёсат давом этади. Бу 100 йилликда Россиядан кутулушининг ҳеч қандай чораси йўқ. Чунки И.Каримов “мен ўзбек миллатиданман” деган фуқарони оёқ-қўлини ипсиз боғлаб, унинг бурнидан

Ўзини дунёда демократияси маркази деб, атаган Американинг битта мақсади бор. У ҳам бўлса ер юзига “хукмрон”лик қилиш. Ер юзидagi давлатларни бўйсиндириш. Юқоридан туриб, назорат қилиш. Яъни, Якка “Худо”ликка даъво қилиш. Америка ўзга давлатлардан ундириб олган бойликлар эвазига, “фақат ва фақат Америка учун ва унинг

КАРИМОВ КИМГА ИШОНАДИ ВА КИМДАН ҚЎРҚАДИ?



Хаммангизни, айттайлик, бағримга босаман!
Керак бўлса, осаман

Балки ким унинг ҳамёнини тўйгазса, ўшанинг “овунчоғи” бўлиб қолди. Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон Республикалари Каримов билан хисоблашмоқдалар. Энди шу ўринда савол туғилади. “Ўзбекистон келажаги буюк”, деб аталмиш давлат олдида бу давлатлар ким бўпти? “Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос давлат бўлса”. Унинг ички ишига ҳеч бир давлат аралашолмайди. Чунки диктатурадан-монархияга олиб бориладиган ягона йўл ўша, И.Каримов томонидан ишлаб-чиқилган “Ўзбек модель”дир. Бу “йўл”да Ўзбекистон билан Америка ва Россия давлатлари хисоб-китоб қила оладилар. Қолган давлатларни Каримов ҳукумати бир тийинга ҳам олмайди. Ҳатто-ки Ўзбекистон ОАВ дунёга жар солмоқдалар. Яъни, “Ўзбекистон яқин келажақда 8 та кучли давлатларнинг бирига айланади”, демоқдалар. Бу нима дегани? “Осмондаги юлдузни ҳам ракета-сиз уруб тушуриш мумкин”. Ҳали ҳеч бир давлат тарихда бундай “тез” тараккиёт йўлини кесиб ўтган эмас...

Куни-кеча И. Каримов Россияда бориб қайтди. Унинг Россияда бўлганлиги ҳақида ОАВ ҳеч бир жойда ёритмадилар. Ҳатто-ки, “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”, деб аталмиш жамиятнинг “маддох”лари ҳам жим-житлар. Наҳотки шундай “буюк давлат” тўғрисида маълумот бериш “махфий” бўлса? Бу ҳам майлига. Россия ва Ўзбекистон президентлари олиб борган музокаралар “эпик эшик”лар ортида ўтказилганига нима дейсиз? Бундан шундай худоса қилиш мумкинки, Россия давлати Ўзбекистонга ўзининг “одами”ни қўйиш ва келажақда у билан ҳисоб-китоб қилишни истамоқда. Россиянинг ягона одами бу-Шавкат Мирзиёев. Чунки Шавкат Мирзиёев И.Каримовнинг “двойниги”. Россиянинг фикрича, Ўзбекистонда фақат ва фақат мана шундай диктаторлар давлат раҳбарлари бўлиши мумкин. Россиянинг чизган “чизиғи”дан чиқмайдиган аллома керак. Мана шундай алломаларидан бири-Шавкат Мирзиёев бўлади.

Россия 150 йил давомида Ўрта Осиёга хўжайинлик қилиб келди. У вақтларда очикчасига талон-тарож қилган

нукталаб, Россиянинг “қўли”га тутқазиб берди. Шундай экан, Россия ҳеч қачон Ўзбекистонда демократия ўрнатилишини истамайди. У демократияга тиш-тирноғи билан қарши чиқади. Чунки чор Россиясининг мақсадига эришишининг бирдан-бир йўли фақат ва фақат Ўрта Осиё халқларини эзиш ва уларнинг бойликларига эгаллик қилиш бўлган. Бугунги кунга келиб, Россиянинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсати ҳали ҳам ўзгаргани йўқ. Гарчи Ўзбекистон мустақил давлат бўлсада, у пост советлар давридаги мустақил давлати сифатида кўрилади. Чунки Ўзбекистон ўзини-ўзи бошқаролмайди. Ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан ночор мамлакатга айланиб қолган. “Ўзбекистон халқига, бир парча нон керак холос. Уларнинг “кураши” мана шундан иборатдир”, деган фикр Россияда ҳамон мавжуд. Жаноби И.Каримов халқнинг мана шундай ҳолатга олиб келишига ўзи сабабчидир. Агар Ўзбекистонда диктатура яна шу ҳолатда давом этса, эртаниндин Ўзбекистон Россиянинг ҳақиқий қўлига айланади. Энг ачинарлиси эса, Ўзбекистонда яшаётган фуқароларимиз сиёсий жиҳатдан манқурт ҳолатга келиб қолганлигидир. Россиянинг Ўзбекистонга нисбатан олиб бораётган сиёсатини бугунлик кунда ўз кўзимиз билан кўриб турубмиз. Кеча бизнинг халқимизни бир бурда нонга зор қилган бўлсалар, бугун эса ўзбекларни ёппасига қул қилиб ишлатмоқдалар. Эртага эса бу ўзбек халқининг нима бўлишини ва тақдирини нима кечишини, Ягона Аллоҳ билади!!!

Биздан 10-15 минг километр узоқликда жойлашган, Америкадан нимани кутишимиз мумкин? Дунёнинг бир четида турган демократик давлат Америка Ўзбекистон учун нима иш қилиши ҳам мумкин? Американинг Ўзбекистондан фойда олаётган томони шуки, унинг бирдан-бир мақсади Афғонистонни яқин келажақда иқтисодий ва ночор давлатлигини била туруб, бечора афғон халқининг бутун бир эркинлигини ўз қўлига олиш. Шундан кейин Американин олдидан турган бирдан-бир вазифа Ўрта Осиёда ўзининг таъсирини ўтказиш. Чунки шу орқали бир вақтлар Амур Темур асос солган Мовауннахр ва Хуросон давлатларига эга чиқиш. Агар тарихга эътибор берган бўлсангиз Афғонистонни эгаллаш учун Буюк Британия 100 йил курашди. Ундан кейин эса собик Совет Иттифоқи 10-15 йил. Бугун эса, Америка! Бирок бечора, ночор бўлиб қолган афғон халқи ўзининг эрки ва хурлигини қўлдан берган эмас. Ўзининг юртини ва келажagini ўйлаб, қўлига қурол олиб курашиб келмоқда. Афғонистонга ўзгалар бостириб кирсаларр ҳам афғонлар ўз ватанини қўлдан бой бермаслик учун тиш-тирноғи билан курашмоқдалар....

келажаги учун хизмат қилиши шарт” деган фикрни олдинга суриб келмоқда. Агар эътибор бераётган бўлсангиз, Америка Ўзбекистонга ўз “она тили”ни “синдириб” келажақда, “американец” деган “миллат”ни Ўзбекистонда пайдо қилиш ҳаракатида. Унда биз яқин келажақда ўзимизнинг она тилимиздан айрилиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Яқин келажақда биз ўзбеклар ўзлимиздан кечиб, “туркий-американец” деган миллат ҳосил бўлиши ҳам ҳеч гап эмас...

Америка учун “транзит” йўлини очиб берган Каримов ҳукумати Афғонистондаги халқнинг норозиликка катта сабабчи бўлди. Чунки Афғонистон ҳукуматининг тепасига келишга урунаётган “Толибонлар” гуруҳи Ўзбекистоннинг бу хизматларини ҳеч қачон нутмайди. Афғонистондаги қирғинбаротларда Ўзбекистоннинг катта ҳиссаси бор. Ислоом Каримов бу сиёсати билан катта хатога йўл қўйди. Бу хато туфайли яқин келажақда Ўрта Осиё халқлари учун катта таҳдид борлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак...

Ўзбекистон билан Американин ўртасида дипломатик сиёсат ўрнатилганига ҳам 20 йил тўлди. Аммо Америка шу йиллар давомида Ўзбекистон учун деярли бирон-бир иш қилган эмас. Америка 20 йил давомида бор-йўғи битта корхонага асос солди холос. У ҳам бўлса “GM Uzbekistan”. Мана Сизга Американин ўзбекистонга нисбатан “сиёсати”...

Бугун Американин ўзбекистонда ўз “одами” бор. Бу инсон америкапараст Рустам Азимовдир. Ислоом Каримов Ўзбекистон телевиденияси орқали чиқиш қилиб, “эртага бизнинг жойимизга ёшлар келади” деб “ёшлар”га урғу бераётгани шахс Рустам Азимовдир. Ўзбекистон президентлигига яна битта талабгор ҳам бор. Бу- Гулнора Каримова (Гугушахон). Агар Гулнора Каримова, Ўзбекистонда давлат тепасига келса, унда Ўзбекистонни диктатурадан тўғри монархияга алмаштиради. Ислоом Каримовнинг асосий мақсади эса тез кунларда қизи Гулнорага тинчгина тахтни топшириш. Аммо.... лекин ҳам бор. Каримов учун энг катта хафв бу Мухаммад Солихдир. Каримов ҳукумати мана шу уюшган ва бирлашган муҳолифатдан жуда ҳам қўрқади. Агар Мухаммад Солих давлат тепасига келса, Ўзбекистонда ҳақиқий адолатли жамият ўрнатилади. Диктатура тугайди. Коммунистларга бутунлай барҳам берилади. Каримов ва унинг атрофида юрган барча “клан”ларнинг кирдикорлари очилади ўшанда, Инша Аллоҳ! Албатта ўзбек халқи бу ҳақиқатнинг тагига етажакдир. Шу кунлар ва вақтлар Худо хоҳласа, келади.

Фахриддин Тиллаев

СУРХОНДАРЁДА ГАЗЕТАЛАР “ВАРАҚАГА” АЙЛАНТИРИЛМОҚДА!

2013 йил 18 апрел куни Сурхондарё вилояти хокимиятига қарашли бўлган “Сурхон Тонги” газетасининг 16-сонида “ВАСВАСА” номли мақола чоп этилди. Бу мақоланинг муаллифи Қаҳрамон Ботиров томонидан келтирилган вазоратга кўра: “Шу йилнинг феврал ойи бошларида интернет сайтларида, Сурхондарё вилояти Кумкўрғон тумани “Тайпан” қишлоғида яшовчи фуқаро Ихлим Аллаберганова ҳақида мақола берилган эди. Бу мақолада фуқаро ўзининг икки фарзандлари билан оч-яланғоч, бошида турмуши ўртоғи йўқлиги туфайли, ўзига ажратилган нафақа пуллари ва моддий ёрдам ололмаганлиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси президенти ва маҳаллий органларига шикоят ариза билан мурожаат қилгани. Ихлим Аллаберганова ушбу аризаларига ўз вақтида жавоб ололмаган, маҳалла органларига мурожаат қилганидан сўнг, бу ташкилотлар ариза муаллифига кўпол муомлада бўлганлиги...” Худди шунингдек, мақолада ЎХХнинг фаол аъзоси “Фахриддин Тиллаев ўз юрти Бойсунни тарк этиб, пойтахт Тошкентга кетганлиги, ҳозирги кунда уйлар, хусусийлаштириш томонидан қўйилаётган нарх-новалар қимматлашган шароитда қандай қилиб, у киши Тошкент шаҳридан уй сотиб олиши мумкин?...” “Фахриддин Тиллаев ўзи ёзаётган мақолалари эвазига, чет элдаги хомийлари томонидан ёрдам пули яъни, “кўки”дан олаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин...” каби сўзлар келтирилган...

Муаллиф, яъни “Қаҳрамон Ботиров”, деб мақола остида имзо чекаётган шахс ушбу мақола юзасидан қишлоқ ҳаёти қандай кечаётганлигини “мақсад” қилиб, ўша Ихлим Аллаберганова билан учрашган. “Сурхон Тонги” газетасида келтирилган “факт”га кўра, “Ихлим Аллаберганова ҳозирги вақтда фермерлик билан шуғулланади. Фермер аёлининг 22 та кўй-эчкиси ва 4 та соғиладиган сигири бор. У киши ҳеч нарсага зор эмас. Ўзидан ортганини эса, “Тайпан”да яшовчи фуқароларга ёрдам сифатида қўл чўзиб келмоқда...”

2013 йилнинг 21 апрел куни Сурхондарё вилояти Бойсун тумани С.Айний кўчасида яшовчи нафақа ёшдаги фуқаро Хабибулло Тиллаевнинг ҳонадони эшигига “Сурхон Тонги” газетасидан олинган бир бетдан иборат “варақа” ёпиштирилиб кетилган...

Биз ушбу мақола юзасидан ЎХХнинг фаол аъзоси Фахриддин Тиллаев билан суҳбатлашдик ва муаммо қаерда эканлигини билиш мақсадида Сиз азиз муштарийларимизга, ЎХХ аъзоларига нисбатан қўлланилаётган таъкиб ва тазйиқлар, Ўзбекистон куч ишлатар тизими томонидан уюштирилаётган фитналар нечоғли ҳақиқатга тўғри келаётгани ҳақида қалам тебратишни ўзимизга лозим, деб билдик. Фахриддин Тиллаев бизга куйидаги маълумотларни айтиб берди:

“Дарҳақиқат, 2013 йилнинг 3 феврал куни тунги маҳаллий вақт билан соати 9-00 да Кумкўрғон тумани “Тайпан” қишлоғида яшовчи фуқаро Ихлим Ал-



лаберганова менинг қўл телефонимга телефон қилиб, “Оиламнинг шароити оғир. Болаларим оч-яланғоч, бошимга турмуш ўртоғим йўқ. Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга ва Сурхондарё вилояти маҳаллий органларига шикоят ариза билан мурожаатлар қилдим. Лекин аризаларимга ўз вақтида жавоб ололмай сарсон-саргордон бўлиб юрибман. Шунинг учун, менга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатсангиз”, деб мурожаат қилдилар. Шунда мен у кишига, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасига кўра, болаларингиз билан Кумкўрғон тумани хокимлиги биноси олдида пикетга чиқишингиз мумкин. Бу Сизнинг конституцавий ҳақ-ҳуқуқларингизга қиради. Агар аризаларингизга ўз вақтида жавоб ололмаган бўлсангиз, унда туман прокурорига мурожаат қилишингиз мумкин”, деб маслаҳат бердим. Хатто-ки, шу мавзу ҳақида ЎХХнинг махсус мухбири томонидан, 2013 йил 5 феврал куни www.uzxalqharakati.com сайтида, “Оч-ёлонғоч мардикор аёлга ким мадад беради?” сарлавҳа остида мақола ҳам чоп этилди...

Энди шу ўринда савол туғилади. Ихлим Аллаберганова, фермер аёл экан. Унда нима керак бўлди, менга нисбатан, “провакация” уюштириши? Бу аёлнинг асосий мақсади нималардан иборат бўлиши мумкин? Бу аёл нега айнан, менга мурожаат қилмоқда??? Чунки МХХ ва бошқа орган ходимлари факат ожиз аёлларнинг, “кўли” билан иш кўрадилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мана шу “усул” билан фуқароларни камокка олиш ва уларга нисбатан таъкиб-тазйиқларни кучайтириш, “мода” тусига кириб қолган...

Маълумингизким, 2012 йил 5 октябр куни Бойсун туманида яшовчи бир гуруҳ аёллар менга нисбатан шантаж уюштирдилар. Бу шантаж ортидан эса мен 15 суткага қамалиб чиқдим. Айнан шу йили яъни, 25 март куни интернетда, “www.UzOlam.com” сайтида ва Сурхондарё вилояти ОАВ орқали “Бойсунлик Авантюрист” номли мақола ҳам чоп этилди. Бу мақола Сурхондарё вилоятининг хокимият органларида, маҳаллаларда, чойхоналарда муҳокама қилинди. Ундан “ортгани” эса, газетадан олиниб, кўча, хиёбон ва бозор расталарида “варақа” шаклида тарқатилди...

Агар Сурхондарё вилоятида чиқарилаётган газеталарнинг сони ва тиражини кўрсангиз уларнинг ҳолига маймунлар ҳам йиғлайди.

Бунга биргина мисол. Сурхондарё вилояти хокимлигига қарашли бўлган “Овози Тожиқ” газетаси бор эди. Бу газетанинг ўз муштарийлари ҳам бор. Газета иктисодий жиҳатдан аҳволи танг бўлиб қолганидан сўнг газета чиқариш умуман тўхтатилди. Бугунги кунда қолган газеталарнинг аҳволи бундан багтар. Газетада ишлаган мухбир ва редакторлар эса Қозоғистон ва Россияга ишга кетганлар. Қолганлари эса дўкандорлик қилиб, бир амал-тақал билан кун кўрмоқдалар. Энди ўзингиз ўйланг! Газетани ҳеч кимса ўқимганидан кейин, кимга керак бу “варақалар?”

Мухбир акамик, “Сурхон Тонги” газетасининг бир жойида яна бир сўз ҳам ёзибди “Ф.Тиллаев ўз юрти Сурхон воҳасини ташлаб, пойтахт Тошкентдан уй сотиб олди. Ҳозирги хусусийлаштиришдаги уй-жой масаласи қимматлашган бир даврда қандай қилиб, Тошкентдан уй сотиб олиши мумкин? Ф.Тиллаев ёзаётган мақолалари учун чет элдаги хомийлари “кўки”дан юбориб турубди...” каби сўзлар ҳам бор.

Мен Бойсунни тарк этганим йўқ. Асло тарк этмайман ҳам, инша Аллоҳ! Мен ҳамиша ўз она-юртимни қаерда бўлмайин, албатта қўмсаб яшайман. Тўғри Тошкентга келганимга 10 йил тўлди. Бир хонали уйимни сотиб олганимга ҳам 10 йил бўлди. Журналист Қаҳрамон Ботиров газетанинг яна бир жойида бир сўзни ҳам илова қилибди. Нима эмиш? “Ф. Тиллаевга нима керак бўлиб қолди, ўзининг туғилиб ўсган юрти, Сурхон воҳасига бунчалик тош отишига...?”

Агар эътибор берган бўлсангиз, сўнгги икки йил давомида ЎХХ ташкил этилганидан кейин www.uzxalqharakati.com сайтида Сурхондарё вилоятининг иктисодий ва ижтимоий жиҳатдан но-чор вилоят эканлиги, бу вилоят қишлоқ хўжалигига мослаштирилганлиги, саноти оқсаб қолганлиги, вилоятнинг 1 миллионга яқин фуқаролари иш йўқлигидан, Россия ва Қозоғистонга кетганлиги, кўп сурхон йигит ва қизларининг ўлик жасадлари у ердан қайтаётганлиги ҳақида мақолалар бериб борилди.

Бундан ташқари вилоят куч ишлатар тизимлари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини оёқ-ости қилаётганликлари, суд ва прокуратура ҳамда хокимият органлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлари тўғрисида ҳам материаллар чоп этилди. Албатта бу ҳақида интернетда ёритилаётган мақолалар, Ўзбекистондаги куч ишлатар тизимининг ходимларига мутлоқо ёқмайди-да. 2012 йил айнан мана шу Кумкўрғон туманинг “Лалмикор” қишлоғидан бир куннинг ўзида, 13 та 18-25 ёшдаги фуқароларнинг ўлик жасадлар, Россиядан келтирилган эди. Хатто-ки бир оиладан эндигина, 18 ёш баҳорни қарши олган йигитларнинг 2 таси, Россияда оламдан кўз юмди. Бу ҳақида вилоят газеталарида ёритиш, уларнинг “мавзу”сига кирмайди...

(Давоми кейинги саҳифада)

БУ УЙЛАР УЙИМИЗНИ КУЙДИРАЯПТИ



хи 50 мингдан 70 минг доллар туради. Бечора ўзбекининг ўрталама маоши 300 доллар, у ҳам иши борда. Бугунги Ўзбекистон ишсизлар ва маошсизлар мамлакатидир, шунинг учун ҳам турли маълумотларга кўра 6 миллиондан 8 миллионга яқин инсонларимиз иш ахтариб Ўзбекистондан хориж давлатларга чиқиб кетганлар...

Бу кунларда Ўзбекистонда фақат бир мавзу гапирилмоқда. Бу ҳам бўлса, Президент (яъни ноқонуний) Ислам Каримовнинг истагига кўра қурилатган “олтин” уйлар мавзуси. Телевизору радиолар, марказий ва маҳаллий газеталар, ҳукуматга хизмат қилаётган интернет сайтлари мана шу уйлар мавзусини ёритмоқда...

Ҳолбуки қуриб битирилган уйларнинг сони 24000 экан. Бу рақамни ўрталама ҳар бир оилада 5 кишига кўпайтирсак 120000, яъни Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 0,4% га тўғри келади. Аҳолининг 99,6 %га бу уйларнинг алоқаси йўқ, аммо шовқин суронни кўриб, бутун аҳоли уй билан таъминланган, деб ўйлаш мумкин. Бундай уйларнинг ҳар бирининг нар-

бу уйларнинг қандай қурилгани ҳам айри бир мажора. Уларни қуриш вилоятлардаги ҳокимликларга топширилганди: Маҳаллий тўралар албатта ўзлари бориб ишламаган ишшоат ишларида... Ўзбекистонда ким қул, ўқитувчи қул! Яъни, қурилиш ишларига ўқитувчилар жалб қилинди, чунки асосий ишчи кучи бўлган ёшлар, юқорида айтилгани қаби, Ўзбекистондан қочиб кетган. Ўқитувчилар эса давлат бюджетига қарам, демак улар давлат учун бепул қурилиш ишчиси ҳисобланади. Аҳолининг бу уйларни сотиб олишга қурби йўқ. Нима қилиш керак? Уйларни мажбуран яна ўша қул ўқитувчиларга сотиш керак... Хўш, бу масалада амалий таклиф нимадан иборат?

Таклиф ҳақиқатни қайта такрорлашди: Давлат халқни боқмасин ҳам, унга уй ҳам қуриб бермасин. Чунки қурилган уйлар зотан фақат 0,4 % аҳолига, у ҳам пули борларига мўлжалланган. Шундай экан, давлат халқга, яъни инсонларимизга эркинлик берсин: меҳнат эркинлиги, табдиркорлик эркинлиги, тижорат эркинлиги, саёҳат эркинлиги... Шунда инсонлар ўзларини нима иш қилишларига, қаерда ишлашларига, қаерда ва қандай яшашларига, қандай уй жой қуришларига ўзларига қарор берадилар...

Ўзбекистоннинг ноқонуний Президенти ва ҳукумати бунинг тушунмайди. Чунки жоҳил, инсон ва жамият тараққиётининг оддий қоидаларини билмайди бу ҳукумат: Эркинлик ва Адолат бўлмаса инсон ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам тараққий қилмайди. Золим ва ноқонуний Президент ва командаси мана шу ҳақиқатни билмайди ва тушунмайди! Бунинг устига жамиятда Эркинлик ва Адолат устун бўлса, халқ бу золим ва жоҳилларни ҳукуматдан қувади. Яъни, диктатор Каримов ва командаси тахтдан қувилиб, қилган жиноятлари учун тўғри қамоқхонага йўл оладилар... Шунинг учун ҳам 0,4 % аҳоли учун қурилган уйлар қолган 99,6 % аҳолининг уйини куйдирмоқда. Тамом вассалом.

Фурқатбек

ЭЙ, МУСЛИМА АЁЛУ ҚИЗЛАР!

Сенда орзумизни кўрамиз доим,
Эй машриқнинг гўзал аёли.
Тубанликка юз тутган ғарбнинг,
Етармикин сенга хаёли...

Сен ҳақиқий аёл-бекасан,
Итоат бор, ғуруринг ордир.
Ўз ёрингга вафокордирсан,
Тақдирингга шукр этмоқ бордир.

Уйинг, боланг, оиланг меҳнат,
Оддий қонун устун хонангда.
Шу муҳитда борми жиноят,
Уйнаш нима қилсин ёнингда?

Кўча эса тўла даҳшатга,
Чўчкаликдир фуҳш олами.
Тиллар бормас асло лаънатга,
Ким қоралар сендай онани?.

Бу кунлардан келар ёмон ҳид,
Ҳар тарафда бўҳтону ғийбат.
Аммо сенинг тоза шаънингга,
Тил узатмоқ гуноҳдир, ҳайҳот.

Сени мудом Аллоҳ кўрисин,
Четлаб ўтсин миш-миш сўзлари.
Сен бўлмасанг дунё кўрисин,
Қадамнингдан жаннат излари...

Сен ҳақингда гапирган ёлғон,
Ўлиб кетсин, қолмасин излар.
Чехрангизда яшайди инсон,
Эй, муслима аёлу қизлар!

В тебе мы видим идеал
Прекрасной женщины Востока,
Всего, что Запад потерял
В своем падении глубоко. Ты настоящая жена,
Самоотверженна, покорна,
И мужу своему верна,
И участью своей довольна.
Семья и дети, дом и труд,
Родной закон, родные стены
Тебя от скверны берегут,
Удерживают от измены.

А за окном ужасный вид, грызня,
Распущенность и свинство...
О, пусть никто не осквернит
Твое святое материнство!

В зените душный смрадный день,
И всюду вьются злые сплетни...
О, пусть никто не бросит тень
На честь твою, не пустит сплетни!

Пусть защитит Аллах тебя,
Пусть пресечет Он слово злое,
Ведь на тебе земля стоит,
Людские держатся устои.

Пусть тот, кто про тебя солжет,
Умрет и сгинет без остатка,
Ведь на тебе стоит народ,
О женщина, о мусульманка!

Ростислав Подунов.

СУРХОНДАРЁДА ГАЗЕТАЛАР “ВАРАҚАГА” АЙЛАНТИРИЛМОҚДА!

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Сурхондарё вилояти Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади. Айниқса Тожикистондаги алюминий заводи Сурхондарё вилоятига бир йилда 20-30 минг тоннадан ошиқ атропода радиация “чанги” таркатаётгани, бу туфайли сурхондарёлик фуқароларнинг соғлиғига путур етаетгани, шифохонларда аксарият саратон касаллиги билан оғриган аёллар ва ёш болалар борлиги кишини ажаблантирмайдими?

Сурхондарё вилоятининг қишлоқ хўжалигига қанчадан-қанча зарарлар келтирилмоқда. Бир вақтлар Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани “Дашнаобод” анорлари бор эди. Қани ўша анорлар?! Уни ҳам қўяверинг! Сурхон воҳасининг сигирларининг тиши, шохи, тирноқлари йўқлиги кишини ажаблантирмайдими? Бу муаммоларни ким кўтариб чиқади? Нега энди Сурхон воҳасининг ОАВ шулар ҳақида “бонг” урмайдилар? Аслида, бу муаммолар ҳақида журналистларимиз эшитсалар-да, “кар”, “соков” бўлиб оладилар...

Мухбир акамик Қахрамон Ботировга ва у кишининг орқасида турган, ёру-биродар, “дўст”ларимизга “васвасаген” дорисини олиб ичишларини тавсия қиламан. Мен уларга Аллоҳдан шифо тилаб қоламан. Эй, Аллоҳ Ўзинг уларга шифо бер!”

ЎХХ сайтнинг махсус муҳбири

БМТ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ АҲВОЛИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон ҳукумати ҳар тўрт йилда бир бор БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашида инсон ҳуқуқларига оид вазият ҳақида ҳисобот беради.

«Ўзбекистонда сиёсий маҳкумлар йўқ, қийноқлар қўлланилмайди, болалар мажбурий меҳнатидан фойдаланилмайди, матбуот чекланмайди ва диний эркинликлар топталмайди.»

Бу сузлар бугун Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашида Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига оид вазиятни муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон расмий ҳайъати томонидан янгради.

Ўзбекистон Инсон-ҳуқуқлари Миллий Маркази бошлиғи Акмал Саидов етакчилигидаги Ўзбекистон ҳайъати аъзолари ўз чиқишларида мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, жумладан қийноқлар, қамоқхоналардаги аҳвол, болалар меҳнати ва диний ташкилотларга оид БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши саволларига жавоб бердилар.

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо давлатлар вакиллари, ўз навбатида, Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига оид вазиятни баҳоладилар ва Ўзбекистон ҳукуматида ўз тавсияларини бердилар.

«Алоҳида эътибор»

Акмал Саидовга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 6 миллиони «у ёки бу даражада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим билан машғулдир».

Ўзбекистон ҳайъатининг бошлиғи шунингдек, инсон ҳуқуқларига оид 120 дан зиёд ҳужжат ўзбек тилига ўтирилганини маълум қилди.

«Барча мактаб ва ўқув юртларда инсон ҳуқуқлари, улардан бир қанчасида эса болалар ҳуқуқларига оид ўқув курслари ташкил этилган. Шунингдек, ҳуқуқбонлик мавзусига ҳуқуқ-тартибот органларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш даражасида алоҳида эътибор қаратилади» — деди Акмал Саидов. Қатор мамлакатлар вакиллари Ўзбекистонда матбуот эркинлиги ва йиғинлар ўтказиш ҳуқуқлари поймол этилаётганидан хавотир изҳор этдилар.

Португалия намоёндаси мамлакатининг Ўзбекистонда ҳуқуқбонлар, журналистлар ва муҳолифат аъзоларининг таъқиб этилиши, калтакланиши ва уй қамоқларига ташланиши ҳолларидан «чуқур ташвиш»да эканини айтди.

Британия вакилига кўра, Ўзбекистонда матбуотни эркин деб бўлмайди. «Ҳуқуқ-тартибот идоралари фуқароларга тинч намоийшлар ўтказишга изн бермайди, кўплаб ахборот ва муҳолифат сайтларига тўсиқ қўйилган.» — деди Британия вакили.

АҚШ вакили ҳам айни ташвишларни изҳор этди.

Бироқ Акмал Саидов мамлакатни «журналистнинг профессионал фаолияти кафолати ҳақидаги қонун деб номланган жаҳон парламентаризмида бетакрор қонунга эга» эканини айтди.

Жаноб Саидовга кўра, бу қонун журналист фаолиятига оид барча халқаро меъёрларни ўз ичига олган.

Акмал Саидов ҳар йили матбуот кунда энг моҳир журналистни тақдирлаш мақсадида «олтин қалам» конкурси таъсис этилганини айтди.

Қамоқхоналар аҳволи

Миср вакили ўзбек ҳайъатидан қамоқхоналар аҳволини яхшилашга эътибор қаратишни сўради.

Эстония, Словакия ва Черногория эса, Ўзбекистонга қийноқларга қарши БМТ конвенциясини рагификация қилишга чақирди.

БМТ Инсон Ҳуқуқлари Кўмитасидаги Олмония вакили Ўзбекистон ҳукуматини қамоқхоналарда аҳволини яхшилаш мақсадида Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси билан ҳамкорликларни қайта тиклашга даъват қилди.

Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси шу ой бошида Ўзбекистон қамоқхоналарига барча ташрифларини бекор қилганди.

Кўмита тарқатган баёноғда айтилишича, бундай қарорга ташриф шартларининг ҳурмат қилинмагани, жумладан, маҳбуслар билан қамоқхона шароитлари борасида яккама-якка суҳбатлашиш имкони берилмагани сабаб бўлган.

Олмония вакили Ўзбекистон ҳукуматидан Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси вакилларига ҳеч қандай чекловларсиз қамоқхоналарга боришлари учун шарт-шароит яратишни сўради.

У, шунингдек, расмий Тошкентга БМТнинг қийноқлар бўйича маърузачисини Ўзбекистонга кириши учун изн беришни тавсия қилди.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдукарим Шодиев эса Ўзбекистон қамоқхоналарида ўн йилдан буён жой етмаслик муаммоси йўқлигини айтди.

Унга кўра, жазо колониялари 80 фоизга тўлдирилган.

Ирландия вакили, шунингдек, Ўзбек қамоқхоналарида «систематик қийноқлар» қўлланилаётганини билдирди. Ирландия вакили Ўзбекистон ҳукуматини БМТнинг қийноқлар бўйича вакили 2003 йилда берган тавсияларни ҳаётда жорий этишга чақирди.

Унинг илова қилишича, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари фаолларини ҳимоя қилиш учун амалий чораларни қўллаши зарур. Норвегия вакили Ўзбекистон БМТда берган охириги ҳисоботидан буён ўтган тўрт йил давомида инсон ҳуқуқларига оид қатор норматив актларни қабул қилганини олқишлади.

Бироқ у ҳам Ўзбекистон қамоқхоналаридаги шарт-шароитларни «ноинсоний» дея баҳолади.

Финландия вакили ҳам тергов изолаторларида гумондон шахсларни қийноққа солиш ҳоллари сақланиб қолаётганидан хавотирда эканини айтди.

Унинг талаб қилишича, Ўзбекистон маҳкамаларида қийноқлар остида олин-



ган кўрсатмалар қабул қилинмаслиги керак. Португалия ва Британия вакиллари қамоқхоналардаги «оғир шароитлардан» ташвишда эканини айтишди.

Акмал Саидов Ирландия вакилини «систематик қийноқлар» иборасидан фойдаланишдан тийилишга чақирган.

«Бундай таъриф халқаро тажрибада умуман йўқ. Бу менинг сўзларим эмас.

Бу сўзлар Ўзбекистон ҳайъатига БМТнинг қийноқлар бўйича собиқ маърузачиси жаноб Манфред Новак томонидан ёзилган мактубда битилган», деб айтди Акмал Саидов.

Кўшма Штатлар вакили барча сиёсий маҳкумларни озод этишга чақирди.

«Сиёсий ёндашув»

Қатор мамлакатлар вакиллари Ўзбекистонда болалар меҳнатидан, айниқса пахта йиғим-терими пайтида, кенг фойдаланиш ҳоллари сақланиб қолаётганидан хавотир изҳор этдилар.

Финландия, Швеция, Олмония ва Венгрия вакиллари расмий Тошкентдан пахта терими пайтида Халқаро Меҳнат Ташкилоти вакилини Ўзбекистонга қўйишга чақирдилар.

Бироқ Ўзбекистон Меҳнат ва Иجتимой Муҳофаза вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимухамедов Халқаро Меҳнат Ташкилоти нозирларини Ўзбекистонга киришга изн бериш чақириқларини «сиёсий ёндашув» дея рад этди.

У Ўзбекистон ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик меҳнатга оид қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ўқув-таълим машғулотларини ўтказиш билан чекланишини маълум қилди.

Олмония, Норвегия ва Нидерландия вакиллари эса Ўзбекистонда ўтган йилги пахта йиғим-терими пайтида ёши ўн бешга етмаган болаларни «систематик ва ташкиллаштирилган тарзда» пахтага жалб қилиш ҳоллари кузатилмаганини билдирдилар.

Бироқ Олмония вакили ёши 15 дан юқори бўлган ўсмирларни меҳнатга жалб қилиш ҳоллари ҳамон кузатилаётганидан хавотирда эканини айтди.

Корея вакили эса болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолларини бутунлай тўхтатиш учун Ўзбекистон ҳукуматида назорат механизмларини кучайтиришни таклиф қилди.

Аммо Ўзбекистон ҳайъати бошлиғи Акмал Саидов болалар меҳнати масаласида Ўзбекистонга қарши «маҳсус кампания» ташкиллаштирилганини даъво қилди. «Бу кампания салмоқли даражада жаҳон иқтисодий бозоридаги ноҳалол рақобат натижасидир.

(Давоми кейинги саҳифада)

БМТНИНГ УСУЛИДАН Фойда йўқ

Маълумки шу кунларда БМТнинг Женевадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бош Комиссарлигида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари вазияти муҳокама қилинди. Ўзбекистон режими вакиллари ушбу учрашувда сурбетларча «Ўзбекистонда сиёсий маҳжумлар йўқ, қийноқлар қўлланилмайди, болалар мажбурий меҳнатидан фойдаланилмайди, матбуот чекланмайди ва диний эркинликлар топталмайди.» — дея, илдоа қилдилар. Шу муносабат билан таҳририятимиз иснон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган муҳолифат вакилларига Акмал Саидов бошчилигидаги ҳукумат вакиллари нинг инсон ҳуқуқлари масаласидаги ёлгонларига муносабат билдиришни сўради. Қуйида ушбу масалада таниқли ҳуқубонлардан Ҳазратқул Худойбердининг фикрларини эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

ЎХХ сайти таҳрияти



БМТ нинг Инсон Ҳуқуқлари Кенгашида Ўзбекистон вакиллари, хусусан унинг раиси Акмал Саидовнинг у ердаги гапларига қеладиган бўлсак, Ўзбекистон диктатураси вакилининг бошқача чиқиш

қилишидан умидвор бўлишнинг ўзи нотўғри бўлар эди.

Эртага А.Саидовнинг ўрнига Сайёра Рашидова келса ҳам худди шундай гапларни гапиради, чунки уларга шундай топшириқ берилган. Диктатура вакилларига ҳеч нарсани исбот қилиб бўлмайди чунки улар ҳалққа ва унинг вакилларига қулоқ соладиган ҳукумат эмас.

Хўш, шундай экан, бизнинг Диктатура вакиллари чиқишига муносабатимиз самарали бўлиши учун нима қилишимиз керак? Шунчаки номига бир норозилик чиқиши қилиш етарли эмас, деб ўйлайман. Агар биз кўпчилик бўлиб чиқиш қиламиз десак келинлар, аввал бу чиқишни самарали томонларини ҳар биримиз чуқур ўйлаб кўрайлик.

Шу муносабат билан сизларга менинг шу масалаларга алоқаси бўлган «Телба дунё» деган мақоламни кўриб чиқишларингизни таклиф қиламан. (<http://forum.uzbekistan.forum2x2.ru/t317p15-topic#897>).

Агар уни шу бугун ўқиган бўлсангиз биласизки у анча тўлдирилган ва бу ерда кўтарилаётган гапларга алоқаси бор фикрлар айтилган.

БМТ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ АҲВОЛИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
Умуман олганда, буни барча халқаро экспертлар эътироф этишади. Ўзбек пахтасининг рейтингини дунё бозорида ўсиб бораётгани учун ҳам, жаноб Алимухамедов айтмоқчи, соф иқтисодий рақобатнинг ғарб ширкатлари томонидан сиёсийлашуви натижасидир.» деди Акмал Саидов.

«Миллий манфаат»

БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг баъзи аъзолари, жумладан Олмония, Портулагия ва Марокаш вакилларига кўра, Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотларини рўйхатга олиш ҳамон қийинлигича қолмоқда.

Польша вакили эса Ўзбекистон ҳукуматидан сиёсий партияларни рўйхатга олишда мавжуд чекловларни олиб ташлашни сўради. Ўзбекистон Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурат Канязовнинг жавоб беришича, Ўзбекистонда барча нодавлат ташкилотлари давлат томонидан рўйхатга олинishi зарур.

«Бу барча юридик шахсларга тегишлидир. Ноҳукумат ташкилотларини рўйхатга олиш — хоҳ улар тижорий, хоҳ ноижорий — мураккаб эмас, деб ўйлайман. Лекин, шунга қарамай, бу масалани кўриб чиқаяпмиз. Хусусан, давлат тўловларини камайтириш. Бунга иловатан, баъзи ноҳукумат ташкилотларига имтиёзлар берилган. Ногиронлар, болалар ва аёллар ноҳукумат ташкилотлари давлат тўловларининг фақат 20 фоизини тўлашади, холос.» деди Есемурат Канязов.

Ўзбекистон хайъатининг раиси Акмал Саидов илова қилишича, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолияти манъ қилинган.

«Ўзбекистон қонунларида уч турдаги фаолият тақиқланган. Миссионерлик, прозелитизм ва рўйхатдан ўтмаган диний

ташкилотлар. Бу бизнинг миллий манфаатларимизга жавоб беради.» — деб айтди Акмал Саидов.

Аёллар муаммолари

Ирландия вакили Ўзбекистонда аёлларни уларнинг ихтиёрига қарши стерилизация қилиш ҳоллари сақланиб қолаётганидан ташвиш изҳор этди.

Япония вакили эса Ўзбекистонни ёш кизларни турмушга узатиш тажрибасидан тийилишига чақирган.

Бирок, ўзбек хайъати вакилига кўра, Ўзбекистонда 17 ёшида турмушга чиқиш ҳоллари бир фоизни ҳам ташкил этмайди.

Эрон, Шри-Ланка ва Малайзия вакиллари Ўзбекистондан аёллар савдосини бартараф этишга қаратилган чораларни кучайтиришни сўрашган.

Нигерия вакили аёлларни таҳқирловчи тажрибаларни йўқ қилишга чақирган.

Кўшнилари хайрхоҳлиги

Қозғистон ва Туркменистон вакиллари Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва иқтисодий соҳаларда «ютуқлар»га эришганини айтдилар.

Иккалма кўшни давлат вакиллари танқиддан холи чиқишларида Ўзбекистон айти йўналишда давом этишга ундадилар.

Россия вакили Ўзбекистонга «инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқ-тартибот ва маҳкама органлари ходимлари билимини ошириш»ни тавсия қилди.

У шунингдек халқаро вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Ўзбекистонга ички қонунларни мукамаллаштиришни, «ирқчиликнинг ҳар қандай кўриниши, ксенофобия ва тоқатсизликка фаол қаршилик кўрсатиш»ни сўради.

Украина вакили сиёсий партиялар ва парламентни кучайтиришни таклиф қилди

www.bbc.co.uk

Мени таклифим, биз А.Саидов бошлиқ диктатура вакиллари нинг БМТда қилган уятсизларча чиқишларига бир муносабат эмас балки умуман диктатура ҳукмрон давлатларда инсон ҳуқуқлари поймол қилиниши ҳоллари сурункали равишда, ҳеч бир камаймасдан давом этиб келаётгани ва БМТнинг ҳар 4 йилда уларнинг масалаларини кўриб чиқиши ҳам сурункали равишда, ўта самарасиз ҳолда давом этаётганини айтишимиз керак.

Бу худди оғир бир касални даволаш учун ҳар 4 йилда бир дўхтирларнинг консилиумини чақирши ва ҳар сафар даво бермаслиги аниқ бўлган эски дорилар ва муолижаларни қайта қайта таклиф қилишга ўхшаб кетаяпти.

Бундай (ночор) услубдан кимга фойдаю кимга зарар?

Бундан фақат Диктатурага фойда, чунки улар бир нарсани аниқ тушуниб шундай хулоса қилишадиган бўлишди: «Ҳар қандай танқидларга парво қилмасдан ўз гапини гапиравериш, танқидларни қайириб ташлайвериш керак.

БМТдагилар қари кампирга ўхшаб жавраб жавраб, охири жағлари чарчаб, ўзлари жим бўлиб қолар эканлар».

Бу услубдан ҳам Ўзбекистон халқига, ҳам БМТга зарар. Чунки бу ҳар икки томон ҳам қанчалик кўп вақтлари ва меҳнатларини аямасдан ҳаракат қилишмасин натижа нуль билан тугайверади.

Чунки дори ҳам, муолижа ҳам нотўғри бўлмоқда.

Ҳазратқул Худойберди

БМТДА ЁЛҒОН АЙТИШ МУМКИН, УНГА ЖАЗО ЙЎҚ

Маълумки шу кунларда БМТнинг Женевадаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Бош Комиссарлигида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари вазияти муҳокама қилинди. Ўзбекистон режими вакиллари ушбу учрашувда сурбетларча «Ўзбекистонда сиёсий маҳкумлар йўқ, қийноқлар қўлланилмайди, болалар мажбурий меҳнатидан фойдаланилмайди, матбуот чекланмайди ва диний эркинликлар топталмайди.» – дея, иддоа қилдилар. Шу муносабат билан таҳририятимиз инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган муҳолифат вакиллариغا Акмал Саидов бошчилигидаги ҳукумат вакиллариининг инсон ҳуқуқлари масаласидаги ёлғонларига муносабат билдиришни сўради. Қуйида ушбу масалада таниқли ҳуқубонлардан Тўлқин Қораевнинг фикрларини эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

ЎХХ сайти таҳрияти



Бир вақтлар одамлар ёлғон айтишдан қўрқишган бўлишса, кейинчалик уяладиган бўлиб қолишган. Шундай дамлар ҳам етиб келдики, ёлғончининг сўзи ёлғон эканлигини исботлаб кўрсатсангиз ҳам у безрайиб тураверадиган бўлиб қолди. Урушда ёлғон ишлатиш мумкин, ҳаттоки ҳийла билан душманни мағлуб этишга уринилади. Масалан, 520 йилда форс шоҳи Доро I аскар билан Скифига юриш қилади.

У скифлардан 100 йил аввал Медияга қилган ҳужумлари учун қасос олмоқчи эканлигини баҳона сифатида келтирганди. Аслида эса унинг мақсади Осиё қиъасини, кейин Европани ҳам забт этиш бўлган. Шунда Доро I жангчиларига қарши скифлардан бир чўпон чиқиб боради. Унинг исми Широқ эди.

У ўзининг қулоқ, бурнини кесиб ташлаб скифларни Доро I га таслим бўлишга ундагани учун шундай жазолаганликларини, энди эса Доронинг жангчиларини яқин йўлдан душман устига олиб бормоқчилигини ёлғондан қасам ичиб ваъда қилади. Широқ Доронинг 700 минг аскарини чўл ўртасига олиб бориб, уларнинг ўша жойда қурбон бўлишига олиб келди ва ўз халқини балодан асраб, ўзи ҳам қурбон бўлади.

Бу воқеа балки афсонадир, балки таърихий воқеадир. Лекин ёлғон ҳам баъзи ҳолларда керак ва зарур экан. Шундай бўлса керак, Ўзбекистон ҳукумати, ҳамда

унга садоқат кўрсатаётганларни ёлғонларини баъзида оқлаш ҳам керакка ўхшайди, лекин қандай қилиб? XXI аср билан Доро I даврини қиёслаб бўлмайди. Агарда ўша дамда интернет бўлганида эди, Доро I google.map саҳифасига кириб, қаерда турганлигини аниқлаб, ўзини чўлга томон судраётган Широқнинг бошини танасидан жуда қилган бўларди. Лекин бугун ҳукуватимиз аёнлари қанчалар ёлғон айтишмасин, бунга бирор ишонмайди. Биров ишонмаслигини улар билмайдими? Билишади, лекин кўзларини лўқ қилиб кўмирни оқ, қорни қоралигини таъкидлаб тураверишади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси қошидаги Инсон ҳуқуқлари миллий маркази раиси Акмал Саидов БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссиясида доклаб қилибди. Би-Би-Си радиоси бу ҳақида хабар қиларкан, ул “зотнинг” сўзларидан чиқарилган хулосани сўз боши ўлароқ келтирибди.

«Ўзбекистонда сиёсий маҳкумлар йўқ, қийноқлар қўлланилмайди, болалар мажбурий меҳнатидан фойдаланилмайди, матбуот чекланмайди ва диний эркинликлар топталмайди.» – дея бошланади Би-Би-Си хабари (http://www.bbc.co.uk/uzbek/uzbekistan/2013/04/130424_suyun_uzbek_human_rights.shtml).

Аслида аҳвол қандай? Ўзбекистонда инсон ҳақларининг топталиши одат тусига кириб қолган ва мамлакат аҳли ҳам, ҳукуват ҳам бунга розидан кўринади. Гўёки шундай бўлиши керак ва шундай бўлмоқда. Бир неча йиллар илгари мамлакатда “Ҳизб-ут-таҳрир” варақаларининг тарқалиши тўхтаб қолганди, шундан сўнг намозхонлар “террорчи”, “ваҳобий”, “жиҳодчи” каби ўзбеклар етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган айбловларни ўйлаб топиб, миллатнинг йигитларини

авахтага жўнатиш урф бўлди. Аммо кейинги вақтларда намоз ўқийдиганлар ҳам қолмади ва энди бенамозларни ҳам диний сабаблар билан айблаш бошланди.

Шундайлардан бир нечаси яқинда Қарши шаҳрида қамоққа олинганди. Ҳозирда баъзиларининг устидан тергов жараёнлари борапти, яна бир қанчаси эса аллақон судланиб ҳам “бўлган” ва колонияда мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажagini кутиб яшашмоқда. Аниқроғи, кун санашмоқда.

Буюк келажак қандай бўлади? Унда қийноқлар ва инсон ҳақларини бузиш, кишиларни мажбуран пахта тердириш, порахўрлик ва шунга ўзхаша жиноятлар бўлармикан? Йўқ! Буюк келажакда ҳамма тенгликда, тотувликда яшайдилар. Фақат диктатор Каримов ва унинг малайларисиз амалга ошади бу иш.

Кейин ўша сабил қолгур Буюк келажак келиши учун дунё ёлғондаен воз кечиши ҳам керак.

Ўзбекистонимиз расман мустақил бўлганига 22 йилдан ошди. Мана шу муддат ичида бу мамлакат ичида одамларнинг хўрланаётгани, қамоқхоналарда одамлар қайноқ сувга бўктириб ўлдирилиши, сохта жиноий ишлар очилиб миллатнинг минглаб фарзандлари турли турмаларда, колонияларда йўқ қилиб юборилаётганлиги ҳақида кам гапирилдими? Ҳақиқий фактлар эълон қилиндими? Диктатор ҳукуватининг омади чопганини қаранг, у БМТ нинг инсон ҳуқуқлари комиссияси олдида ҳар тўрт йилда бир марта ҳособот беради. Бордию шу ҳисоботни тўрт кунда бир бериладиган қилиб кўйилса бўлмасмиди? Унда ҳам ёлғонларга зўр бериларди албатта, аммо БМТ даги лоқайд, тепса тебранмас масъуллар жуда бўлмаса ҳар тўрт кунда ёлғон эшитишдан зерикиб, ҳаққатни кескинроқ талаб қилган бўлишарди. Шундай деб умид қилиш мумкин холос.

XX аср юксак технологиялар асри бўлди деймиз. XXI аср шунингдек, юксак ёлғонлар асри бўлади. Бунда ҳамма бир бирини алдаб кун кўради. Ўзбекистон ҳукувати ўз вакили Акмал Саидов тимсолида БМТни алдаяпти, алданаётган БМТ эса ёлғончининг юзига бир тарсаки бўлсин, кўя олмайди. Чунки бу ташкилотда ёлғонга жазо йўқ!

Мел Гибсоннинг “Апокалипсис” фильмидаги бир қахрамоннинг шундай сўзи бор: “Қўрқув жуда ҳам юқумли хасталик. У сендан осонликча бошқаларга юқади. Мен сенинг кўзларингда ўша хасталикни кўрайман, шунинг учун сени кишлоққа киритмайман”..

Ўзбекистондан чикиб кетганимга 7 йил бўлди. Такдирнинг шиддатли шамоллари мени Канаданинг Ванкувер шаҳрига улоқтирди. Ўзбекистондан 12 соат орқада юрамиз.

ҚЎРҚУВ ИСКАНЖАСИДАГИ ЎЙЛАР...

Биз бугун Ванкуверда 23 апрелнинг кечки овқатига ўтирганимизда, Андижондаги қариндошларим 24 апрелнинг эрталабки дастурхонига чой кўйишаётган бўлади. Қисқаси, ёмғирли, мўъгадил оби хаволи Ванкувер ахли дунё вақтини Тинч океани қаърига кузатиб қолади...

Ўтган вақт оралиғида бир нарсага амин бўлдимки, ўзбекман деганимиз борки, хорижда бир дақиқа бўлсада Ўзбекистондаги вазиятни унутмадик, доимо юргимиздаги воқеа ва ходисаларнинг ичида, яқинлар ва дўст биродарларнинг ташвиши, қувончи билан яшадик. Кайси биримиз Фейсбук ва твиттерда, яна биримиз Мой мир, В контакте ва Одноклассник ижтимоий тармоқларида ўтириб олиб, Ўзбекистон билан бирга яшаб келаямиз. Қаердаки, Ўзбекистон ҳақида гап кетаяптими, ўша ерда хар доим виртуал тарзда хозир унозиримиз...

Яшаб турган жойимиз Ванкувернинг ОАВ Ўзбекистон ҳақида ҳеч нарса айтишмайди. Бир неча йил аввал шаҳардаги кино залларининг бирида кинорежиссер Али Хамроев фильмларининг ретпроспектив намоиши бўлганида маҳаллий газеталарнинг бири бу ҳақда берган хабарида машхур “Еттинчи ўк” фильмининг режиссерини “россиялик режиссер” деб атаган эди... Чунки, ушбу ретпроспектив намоиши Россия киноакадемияси уюштирганди. Бу ерда хар йили бўлиб ўтадиган Ванкувер Халқаро кинофестивалида ҳам Ўзбекистонлик киночилар катнашмайдилар. Қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз фильмлари келади бу фестивалга. Ўзбек фильмлари эса – йўқ.

Журналист бўлганим учун, маҳаллий аҳолига Ўзбекистон ҳақида маълумот бериб бориш йўли ҳақида ўйладим. Шунда, рус тилида чиқадиغان ва кенг аудиторияга эга бўлган “Ванкувер Экспресс” газетасининг икки саҳифасини сотиб олдим. Саҳифани “Регистон” деб номладим ва у ерда Ўзбекистонга оид янгиликларни чоп эта бошладим. Диктатор Каримов ва унинг жиноятлари ҳақида ёзилган мақола ва хабарлар борки, ҳаммасини жойлаштира бошладим.

Натижаси дарров билинди. Саҳифада қолдирилган телефон рақамлари орқали менга чиқанларнинг баъзилари раҳмат айтишар, яна баъзилари эса “Ватанимиз ҳақида янво мақолаларни чиқарманг!” деганга ўхшаган талабларни кўйишарди.

Бир куни газета бош муҳаррири Александр Кулешов айтиб қолди:

“Кеча бир аёл телефон қилди. Ёши катта. “Сиздаги “Регистон”ни ким чоп этапти? У ерда ёзилган гаплар ҳаммаси ёлғон! Мен Ислам Абдуганиевичнинг оиласини яхши биламан” деб қолди. Мен “Сиз Ванквердамисиз? Уларни қаердан танийсиз?” дедим. У аёл эса, анча йиллар аввал Канадага Ўзбекистондан кўчиб келганлигини, Ислому Каримовнинг хотини Татьяна билан яқин дугона эканлигини айтди.



“Ахир ҳақиқат маълумку, у ерда диний экстремистлар бош кўтаришган, хокимиятни гаровга олишиб, қамоқхонадан бандитларни чиқариб олишган!” дейди гўшак.

“Унда ука, ҳеч ким келмаса ҳам сиз келинг ва фильмин кўринг. Ишонинг, Сизни бу ерда ҳеч ким расмга олмайди ва видеога тасвирга туширмайди” дейман яна.

“Тут, тут, тут, тут”.....

Утган куни эса бир аёл телефон қилди.

Рус тилида равон гапираётган ўқтам овоз, салом аликдан сўнг қатъийлашди:

“Сиз бу фильни кўрсатиш учун кимдан руҳсат олдингиз?”

“Шахсан фильм режиссерининг ўзидан” дедим.

“Режиссер ҳам келяптими?”

“Хозирча бу ҳақда у индамади. Сиз ҳам келинг. Исмингиз нима?”

“Борсам сизга телефон қиламан. Хайр”...

Мана шунақа гаплар... Дунёга тарикдек сочилдик, хаттоки бошқа мамлакат фуқароси ҳам бўлдик, фарзандларимиз хорижда катта бўлишяпти, лекин юрагимизда барибир ўша тузумдан қўрқув ва хавотир бор. “Эй, лаънати диктатор Каримов, эркин фикри туфайли қамалганларни озод қил! Болаларимизни саводсиз қилма! Аёлларимизни нега бичишга буйруқ бердинг? Нега ёшларимизни мардикор бозорига соляяпсан?” каби саволларни хозиргача очик ойдим, қўрқмасдан айта олмайди ўзбекларимиз. Дунёнинг турли мамлакатларида ўзбек муҳолифати фаоллари томонидан каримов диктатурасига қарши ўтказилаётган намоишларда ҳам, юзларини кўрсатмаслик, овозларини эшиттирмаслик, исмларини очикламаслик шарт билан базўр қатнашишади ўзбекларимиз. Шунда ҳам, қочқинлик мақоми олишга умидвор бўлишиб...

Нима учун бундай ҳолатга тушдик?

Энди ўзгарамизми ёки шундай қоламизми?...

Ўқийганингизнинг бошланишида Мел Гибсон фильмининг қахрамони ҳақида эслагандим. Ўша фильмда бутун бошли бир қабилани қўрқув пароканда қилади. Улар ўз маконларини тарк этишади. Фильм сўнггида бегона юрт кемалари уларнинг қирғоқларига келиб лангар ташлаётгани кўрсатилади... Юртни аввал қўрқув ишғол қилди. Кейин эса бегоналар келди...

Бизларга нима бўляпти, Аллоҳим?...

Улуғбек Хайдаров

Баҳор хавоси ҳукмрон Бурсада бугун эрталабдан шиддатли ёмғир ёғмоқда. Бундай ҳавода уйда қолгинг ва руҳингни тетиклаштирадиган қаҳва ичиб, китоб ўқиб ўтиргинг келади.

Бурса шаҳрининг “Ўрдакли” маданият марказида ўзбекистонлик таниқли биолог олим Ойдин Солиҳ “Ҳақиқий тиб” мавзусида бир кунлик конференция ўтказиши эълон қилинди. Камина ҳам бу тадбирга таклиф қилинганим боис китоб ўқишни бошқа кунга қолдирдим.



ЙЎҚОТИЛГАН ШИФО ИЗИДАН

Қадимий бинонинг уч юздан ортиқ киши учун мўлжалланган залида ҳали тадбир бошланмай туриб бўш ўрин қолмаганди, яна саксон чоғли одам узун йўлақларда турнақатор ҳолда туриб қолишди.

Эрталаб уйдан чиқаётиб, ҳаво ёмонлиги боис тадбирда бунчалик жамият тўпланишини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Белгиланган соатда залга Ойдин Солиҳ ва анжуман ташкилотчилари кириб келишди. Турли ёшдаги эркаклар, аёллар ва ёш болалар билан тўлган бино жонланди. Ёнимда ўтирганлардан бири “Ох, Ойдин хонимни кўрдим, шукур”, деб бақариб юборди.

Асли украиналик Ойдин Солиҳ Ворошиловоград медицина ўқув юрти ва кейинроқ Тошкент Давлат Унверситетининг биология факультетини битирган.

Талабалик йилларидан халқ таъбири, Ибн Сино тиббиёт билан қизиққан Ойдин хоним Туркияга 1993 йилда келган.

Ўз илмини тажрибада синаб кўрган ўзбекистонлик олим кўлида минглаб туркиялик ва Туркия хорижида яшаб турган беморлар шифо топгани ҳақида кўп гапирилган.

2008 йилда Ойдин Солиҳ узоқ йиллар олиб борилган изланишларининг илмий ҳулосаси жамланган “Ҳақиқий тиббиёт” деб номланган китобини бир неча минг юз нусхада chopдан чиқарди.

Турк ва ўзбек тилларида нашр юзгани кўрган бу китоб турк жамиятида фавқуллодда катта қизиқиш билан кутиб олинди. - Ойдин хоним дунё саодати, башарият учун жуда катта иш қилди. Бу китоб инсонлар саломатлиги учун фойдали бир манбадир, — дея фикр билдиради туркиялик машхур ёзувчи Меҳмедали Булут.

Турк ёзувчиси Булут 2006 йили оғир кўз амалиётини бошдан кечирганидан сўнг вужудида баъзи салбий ўзгаришлар сеза бошлаганини ва ҳар гал шифокорларга мурожаат қилганида “бу ҳар қандай амалиётдан кейин кузатиладиган ва вақт ўтиши билан кечадиган табиий ҳол”, деб овутиганларини хотирлар экан, мана буларни қўшимча қилди.

- Мен борган сари ўзимни ярим-жон кишидек ҳис эта бошладим. Уша чорасизлик исканжасида қолган кунларимнинг бирида Ойдин Солиҳ ва унинг таъбаот усуллари ҳақида эшитиб қолдим. Аввалига мен бу муолажа усулга ишонмадим. “Қандай қилиб одам бирор-бир амалиётсиз, фақат қандайдир табиий йўллар билан, рўза тутиш ёки

қон олдириш билан шифо топиб кетиши мумкин? Мен бунга асло ишоналмайман”, дедим. Лекин жон аччиғи, деган гап бор. Ҳар ҳолда, мен Ойдин хоним кўрсатмалари асосида даволашнига киришдим. Авваллари бир кунда олти марта овқатланган бўлсам, таъбаот даврида 36 соатдан 72 соатгача сурункали рўза тута бошладим. Ҳеч бир муболағасиз айтаман, бу таъбаот усули менинг ҳаётимда, вужудимда инкилоб қилди. Ойдин хонимнинг таъбаот усули менга емай-ичмай ҳар қандай оғир хасталиқдан қутулиш ва айни пайтда соғлом ҳаёт кечиришни ўргатди, Аллоҳга шукур, — дейди туркиялик таниқли ёзувчи Меҳмедали Булут.

Тахминан 400 киши тўпланган залда кишилар “чурк” этмай Ойдин Солиҳни тинглашарди. Жимлики бунча катта жамоатни кўришга одатланмаган ёш гўдақларнинг йиғиси бузди, холос.

“Ҳақиқий тиб” конференцияси. Бурса Ойдин хоним ўтирганларни хлорли кир кетгазувчилар, бадан парвариши учун қўлланиладиган турли хил хушхидлар, «атир» балоси, эмлов ва шу каби махсулотларнинг инсон ҳаётига хавфидан огоҳлантирди.

Бугун дунёнинг илғор мамлакатлари, жумладан, Туркиядаги ана шу махсулотларни ишлаб чиқараётган йирик ширкатлар катта аудиторияни ишғол қилиш учун ўз махсулоти рекламасига миллионлаб доллар маблағ сарфлаётган бир пайтда ўзбекистонлик олим аксинча одамларни бу махсулотлардан умуман фойдаланмасликка даъват этади.

Энг сўнгги қаторда ўтириб, Ойдин хонимни тинглаб эканман, бир томондан, унинг Исломий қадриятларни тиклаш йўли билан инсонлар саломатлиги учун ҳақиқий кураш бошлаганидан севиндим. Бошқа томондан, “бу ширкатлар фақат ўзи учун эмас, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам катта фойда келтиради-ку. Шундай экан, бу каби даъватлар хавотирларга сабаб бўлмайми?” дея ўйга чўмдим.

- Хлорли кир кетгазувчилар, бадан парвариши учун қўлланиладиган турли хил сунъий хушхидлар (ароматлар) инсонни жисмонан йўқ қилибгина қолмай, унинг инсонлик моҳиятини ҳам ўзгартиради. Бу махсулотларни бир мартагина қўллаган кишининг иммун системаси кучли зарба ёйди. Эътибор берган бўлсангиз, илгари депрессия ҳолатига қарши дорилардан аёлларгина фойдаланарди.

Бугунга келиб ҳамма — эркаклар, кексалар ва ҳатто ёшлар ҳам антидепрессант ича бошлашди. Илгари фақат аёллар, баъзи ҳолларда эркаклар ошқозон ости беши билан оғриган. Бугун-чи? Ҳатто янги туғилган чақолоқларда ҳам бу касаллик аниқланган. Оммавий бепуштлики кучайган. Сунъий урулгантириш марказларига ёшлар дарё бўлиб оқмоқда.

Расмий манбаларнинг башорат қилишича, деярли бир неча йилдан сўнг туғилажак болаларнинг 95 фоиз сунъий урчишти йўли билан, қолган атиги 5 фоиз эса табиий йўл билан туғилади. Бунақа оммавий бахтсизлик қаршисида қайси фойдадан баҳс этмоқчисиз? Бизнинг фаолиятимизга ҳозирда ҳеч ким таҳдид қилаётгани йўқ. Иммун системасини чўқтирадиган антибиотиклар, қўшимча моддалар озуқалар, гени ўзгартирилган озуқалар, кимёвий моддалар ва бошқа шу каби зарарли ва захарли махсулотлардан тийилиш борасидаги тавсияларимизни асосан имонли кишилар қабул қилаётир. Чунки улар ҳамма нарсанинг жавоби борлигини яхши англайдилар, — дейди Туркияда исломий тиббиётга янгича қараши билан танилган Ойдин Солиҳ.

Ойдин Солиҳ таъбаот усулига ҳожамот (қон олдириш) ва зулук муолажаси ҳам қиради. Уч ярим минг йиллик тарихга эга экани тахмин қилинаётган ҳожамот муолажа усули Муҳаммад (с.а.в.) суннати, деб қаралади.

Бошланғич синфда ўқиб юрган кезларим кишлоғимизга маҳаллий лўлилар келиб, бирор дардга чалинган аёллардан қон оларди. Йиллар ўтиб, кишлоғимиз аёллари саломатлигини лўлиларга эмас, замонавий табибларга ишондилар.

Бугунги кунда униталаётган ўша қадимий муолажа усули, яъни Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатлари Ойдин Солиҳ асос солган Туркиядаги энг йирик муқобил тиббий марказ саналмиш Табиий шифо институтида кенг қўлланилади. Ана шу марказга саратон ташхиси билан бош урган беморларнинг умуман бу касалликка чалинмагани ҳам аниқланган айтилди.

- Баъзи касалларга рақ, деб янглиш ташхис қўйиб, рақни даволашади. Оқибатда саратон бўлмаган одамлар ҳам радионурланиш туфайли саратонга чалиниб қолапти. Сабаби замонавий тиб тўғри ташхис қўёлмайди. Чунки Замонавий тиббиёт фалсафаси пойдеворидан бошлаб хатога қурилган, — дер экан ўзбекистонлик олим Ойдин Солиҳ, ўз марказига ногўғри ташхис билан келган юзлаб беморлар Исломий тиббиёт муолажасидан кейин соғайиб кетганларини таъкидлайди.

Туркияда Исломий тиббиёт усули оммалашиб бораётгани ордин туркиялик замонавий табиблар модерн касалхоналарни ташлаб, Ойдин Солиҳ марказига ошиқаётир.

Улардан бири доктор Ўрхан Алидир. Туркия Тиббиёт олийгоҳини битирган Ўрхан Али ҳам бугунги кунда замонавий тиббиёт пойдевори методологик хато тамалга қурилган, деган фикрда.

(Давоми кейинги саҳифада)

ЙЎҚОТИЛГАН ШИФО ИЗИДАН

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

- Иккинчи курсда ўқирдим, хасталандим. Доктор кўригидан ўтдим. У ҳеч бир ташхиссиз, менинг сўзларимдан келиб чиққан ҳолда, у-бу дориларни ёзиб берди. Мен, табиийки, тузалмадим. Чунки касалимнинг сабаби номаълум эди. Бўлажак доктор сифатида ўзим ҳам у-бу манбалардан дардимга даво қидира бошладим. Нина терапевси, бошқа муқобил табобат муолажаларини олдим, ҳеч бири фойда қилмади. Шу тариқа икки йил даво изладим. Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини varaқладим, тузалдим. Ўшандан кейин Исломиё табобат барча табобатдан устунлигини ва бурунни алоҳида, кўзни алоҳида, кулокни алоҳида даволаш методи бўлган замонавий медицинанинг фундаментал фалсафаси хато ва у инсонлар учун фойдасиз бир муолажа системаси эканини англаб етдим. Ҳозирда ўзбекистонлик олим Ойдин хоним билан ҳамкорлик қилиб турибман, — дер экан Ўрхан Али эндиликда инсонлар саломатлигига ҳисса қўшиш мақсадида муқобил тиббиёт билан шуғулланаётганидан ниҳоят хурсанд эканини қўшиб қўйди.

Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмийлари ҳам муқобил тиббиёт усули миллат саломатлигига салмоқли ҳисса қўшишига ишонган ҳолда, бу тиббиёт учун катта имкониятлар яратиб бераётгани сезилади.

Конференция залидан ташқарига чиқиб, яқинроқдаги метро станциясига йўл олар эканман, бугуни кунда тубсиз бахсларга сабаб бўлаётган, аммо зараридан фойдаси кўпроқ экани уқтириляётган Исломиё тиббиётдан мутлақо хабарсиз юртдошларим ёдимга тушди.

Бир муддат аввал раҳматли отам саратон ташхиси билан Душанбе шаҳридаги онкология марказида даволанаётган эди. У кишига дори олиш учун дорихонага киргандим. У ерда навбат кутиб турган икки аёлдан бири кўкрак саратони билан амалиёт қилинганини ҳикоя қилар экан, “операциядан кейин бошқа профессор кўригидан ўтдим. У менинг умуман саратонга чалинмаганимни аниқлади. Саводсиз докторларимизнинг хатоси туфайли кўкрагимдан ажралдим. Бунинг эвазига вужудимда ҳар хил чидаб бўлмас оғриқлар пайдо бўлди”, деганди.

Бундай воқеа-ҳодисаларни ҳали Исломиё тиббиётга йўл очилмаган минтақанинг барча мамлакатларида сўнги йиллар тез-тез учратиш мумкин бўлиб қолди.

Демак, Ойдин Солиҳ ва издошларининг “замонавий медицина касалликнинг туб сабабини аниқлай олмаяпти, фақат ташхис қўяпти ва сабабини билмаган касалликни “даво”ляяпти” деган фикрлари жон бор.

Менимча, бу миллат фожиаси. Сиз нима дейсиз, азиз ўқувчи?

ozodlik.org



Баъзи қорни тўқ, кўзи лўқларнинг атрофда бўлаётган воқеаларга бепарволигини, лоқайдлигини тушуниш мумкин, аммо ватанидан, ота -онасидан, бола -чақасидан узоқда юрганларнинг бепарволигини ва лоқайдлигини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳам бошқа бир парадокс эмасми сизнингча?

ИНТЕРНЕТ САЙЁҲЛАРИГА

Ассалому алайкум дўстлар!

Эски вақтлар ҳар куни эрта тонгдан газета ўқиларди. Энди эса интернет сайёҳати билан бошланади янги кунлар. Ажабо, бу саҳифада нима бор экан бугун? Унисидачи?

Шундай орзу ният билан интернет саҳифаларини кезадиганлар сони фақатгина Ўзбекистонликлар орасида миллионларча кишини ташкил қилади.

Сўнги маълумотларга қараганда ватанимизда 10 миллионга яқин киши интернет хизматларидан фойдаланади. Бекорга диктатор Каримов “ёшлар ва интернет мавзусига” эътибор қаратишга чақирмаяпти ахир...

Интернет саҳифаларини эса сизга ўхшаган ҳамюртларингиз янгилайди. Хорижий радиоларнинг ўзбек хизматлари сайтларини ҳисобга олмасак, интернетдаги уч ёки тўрт танилган сайтлар ҳаётни ўзича тушунган кишилар тарафидан жамоатчилик асосида, яъни ҳар кимнинг ўз имконияти ва манфаати доирасида ишлатилади.

Ун миллион рақами жуда катта рақам бўлишига қарамай, Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсий вазиятга ва бу вазиятни яхшилашга бўлган иштиёқни қониқарли, деб бўлмайди. Қизиқ ҳол: 10 миллион киши интернетдан фойдаланади, аммо улар орасида ўз мамлакатининг аҳволига қизиқадиганлар сони унчалик кўп эмас.

Бунга замонавий тилда “парадокс”, дейишади. Яъни, ҳар тараф “олам гулистон” бўлиб кўринади, амалда эса ўртада қизиқиш, фикр, бахслашиш, қурашиш “чўли” мавжуддир. Буни тушунтириб берадиган ақл қаерда? Манзарада олам гулистон, амалда ҳар тараф чўл...

Балкименхатоқилаётгандирман? Балки ҳақиқатан ҳам олам гулистон, мен бу гулистонни кўра олмайётгандирман, дейман ўзимга ўзим? Аммо, у ҳолда нега Ўзбекистондан олти, баъзиларига кўра эса саккиз миллион киши қочиб кетди бошқа жойларга?

Ўртада шундай мавҳумлик, яъни ноаниқлик бор? Балки шунинг учун ҳам инсонлар ҳар тонгни интернет саҳифларида қаршилашар? Ажабо, бу саҳифада нима бор экан бугун?!

Бу қизиқиш ва талабнинг ўзи олқишланиши керак эмасми? Балки, аммо ҳақиқат шундан иборатки, “берган қўл олган қўлдан устундир...”. Демокчиманки, ажабо, дея интернет сайёҳатида бошлаганларнинг қизиқишига жавоб берадиган киши ҳар биримиз бўлишимиз мумкин.

Яъни, ҳар биримиз биргаликда умумий фикр ва қизиқиш хазинасини янада кўпроқ тўлдиришимиз мумкин. Бунинг учун нима исташимизни ва бу истагимиз нима асосланганини бир неча сатрда ўзимизга маъқул интернет саҳифасининг бошқарувчиларига ҳар тонг “почталашимиз” мумкин. Кичик мақола шаклида, изоҳ шаклида, таклиф шаклида...Тома тома қўл бўлар, бир, икки, уч...

Бу бизнинг фикр ва қизиқиш дунёмизнинг Орол қўли каби қуримаслиги учун шарт бўлган бир ишдир. Зеро, моддий бойлик маънавий бойликка иловадир.

Маънавий бойлик эса худди моддий бойлик каби ўз “тангаларидан” тўпланади.

Агар ҳам биримиз бу ҳақда ўйлаб кўрсак, албатта ақлларимизнинг ва қалбларимизнинг хазинасига ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин эканлигини кўраимиз.

Шундай экан, нега жим қараб турибсиз? Сизга ўхшаганларни сиз интизор қилманг, сизга ўхшаганлар ҳам сизни кутдириб қўймайди.

Унинг ўрнига биргалашиб дунёмнинг яхшилиқ хазинасини бойитайлик.

Янги кунингиз муборак бўлсин!
Намоз Нормўмин



Ўзбекистондан олинган хабарларга кўра кеча ва бугун мамлакатдаги минглаб қўл телефонларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Йўқолсин Каримов!». «Анджонни унутманг!». Муҳаммад Солиҳ!» деб номланган хабарлар тарқатилган.

Тошкентлик ўз номини ошкор этишни истамаган кишининг айтишича, у тунги соат 12 ларда телефон сигналларидан уйғониб кетган.

«Қўл телефонимга келган хабарда инглиз тилида «DON'T FORGET ANDIJAN! «STOP KARIMOV!» каби сўзлар ёзилган эди. Бироз вақт ўтиб, ўзбек тилидаги СМС келди, унда «Йўқолсин Каримов!», «Анджонни унутманг!» каби жумлалар бор эди. Маълум бўлишича бундай сўзлар бошқа танишларимга ҳам юборилган экан.», дейди у.

Маълум бўлишича бу каби телефон хабарлари уяли телефон орқали минглаб хонадонларга кириб борган ва қувонч билан қарши олинган.

Самарқанд шаҳрида яшовчи ўзини танитишни истамаган журналистнинг айтишича, бу хилдаги СМСлар бошқа вилоятларга ҳам етиб борган.

«Хукумат бу қўл телефонларига узатилаётган, халқни исёнга чорловчи жумлалардан қатта хавотирга тушган. Хабарлар қаердан келаётганини аниқлаш бўйича ҳаракатлар бошланган. Тахминларга кўра улар Европа мамлакатларидан, Франция, Англия, Чехия, Швеция ҳамда Швецариядан юборилаётган бўлиши мумкин, дейди журналист.

Каримов зулмидан эзилган ва ёруғ кунларни умидида яшаётган халқ бу хабарлардан анча сергак тортиб қолган. Кўча куйда, маҳалларларда Андижон қатлиомига бир йил тўлиши муносабати билан тарқатилган СМС хабарлари ҳақида одамлар гоҳ ошқора гоҳ пичирлашиб сўзлашаётганига гувоҳ бўласиз.

«Одамлар Муҳаммад Солиҳ номини эшитганларида худди ўз халоскорларини кўргандек суюниб кетишди. Бу хабарлар Муҳаммад Солиҳни ўз ватанига қайтиши ва жамятда бўлажак ўзгаришлардан нишонми?», дейди суҳбатдошимиз.

Каримов Ўзбекистонни ҳар қанча ихота қилиб олмасин барибир 21 асрда яшаётган ўзбек халқи ўзига керакли ахборотларни қандай йўллар билан бўлмасин олиш имкониятига эга. СМС хабарлари аҳолини диктатурага қарши

ЎЗБЕКИСТОНГА ОГОҲЛАНТИРУВ СИГНАЛЛАРИ

курашга чорловчи оддий бир йўлдор, деган қарашлар ҳам бор.

Каримов ўзбек халқига ва жамятга қанчалик ўз матбуоти ва ОАВ орқали босим ўтказмасин, муҳолифат интернет ва уяли телефон орқали бўлсада ўз гоёларини мамлакат ичига ёйишга имкон топиши мумкин экан. Буни Андижон воқеаларига бир йил тўлиши муносабати билан тарқатилган СМС хабарлари очик тасдиқлаб турибди.

Ёки Ўзбекистон бўйлаб озодлик эпкинлари эса бошладими?
(www.uzbekinfo.org, 12.05.2006)

МУҲАММАД СОЛИҲ КЎЙИБ ЮБОРИЛГАН

Ўзбекистон ҳукуматининг Интерполга сўрови асосида Стокгольмда ушлаб турилган ўзбек муҳолифати раҳбари Муҳаммад Солиҳ кўйиб юборилган

Аввалроқ Муҳаммад Солиҳнинг Стокгольм аэропортида хибсга олингани хабар қилинганди.

Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон ҳукумати халқаро кидирув эълон қилган ўзбек фуқароларининг рўйхатига асосан ушланган.

Кейинчалик Муҳаммад Солиҳ ҳимоячисининг Би-би-сига айтишича, Швеция полицияси Норвегия Ташкилотлар вазирлигидан Солиҳ жаноблари шахсига тааллуқли маълумотларни олгач, уни кўйиб юборган.

«Эрк» демократик партияси раҳбарининг Лондондаги вакилига кўра, Муҳаммад Солиҳ Британия парламенти аъзолари ва инсон ҳуқуқлари гуруҳлари билан учрашиш учун Лондонга келаётган эди.

Муҳаммад Солиҳга нисбатан Интерполнинг хибсга олиш буйруғи биринчи марта 2001 йил декабрида Прагада қўллаб қўйилган эди. Ушанда Прага маҳкамаси Ўзбекистон томонининг экстрадиция ҳақидаги сўровини рад этган ва Муҳаммад Солиҳни ҳеч қандай айбсиз маҳкама залидан озод этган.

Ўзбекистон ҳукумати «Эрк» демократик партияси раҳбарини 1999 йилги Тошкент портлашлари ва бошқа кўпорувчилик ҳаракатларида айблаб, сиртдан ўн олти ярим йиллик қамқов жазосига маҳкум этган. Аммо Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон ҳукумати қўйган айбларни сиёсий, деяр ад этган ва Солиҳга сиёсий қочқин мақомини берган. Андижон қирғинидан сўнг Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистоннинг дунёвий муҳолифати раҳбари сифатида Вашингтон ва Лондонда қабул қилинган.

Андижон қирғинининг бир йиллиги муносабати билан Оврўпо Иттифоқи парламентида чиқиш қилган Муҳаммад Солиҳ жаҳон ҳамжамятини Ўзбекистондаги демократияни қўллаб-қувватлашга чақирган.

(www.bbc.co.uk, 17.05.2006)

ХЬЮМАН РАЙТС ВОТЧ ШВЕЦИЯ ҲУКУМАТИНИ ҚОРАЛАДИ

Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Хьюман Райтс Вотч ташкилоти

Швецияда муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг ушлаб турилганини қоралаб чиққан.

Муҳаммад Солиҳнинг қисқа муддат хибсга олинishi Оврўпо Иттифоқининг Ўзбекистонга нисбатан қатъий сиёсатининг йўқлигини кўрсатади. Хьюман Райтс Вотч Муҳаммад Солиҳга нисбатан Интерпол кидирувини бекор қилиниши кераклигини айтган.

«Таникли ўзбек диссидентининг сешанба куни Швецияда қўлга олинishi Оврўпо Иттифоқининг Ўзбекистонга нисбатан қатъий сиёсатга эга эмаслигини намойён этади», дейилади Хьюман Райтс Вотч ташкилоти баёнотида.

Норвегиядан сиёсий бошпана олган муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳ Британия парламенти ва инсон ҳуқуқлари вакиллари билан мулоқот ўтказиш учун Лондонга йўл олган маҳали Стокгольмнинг Арланда аэропортида полиция томонидан хибсга олинганди. Швеция расмийларига кўра, Интерпол Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистон ҳукумати томонидан тақдим этилган кидирувдаги ўзбекистонликлар рўйхатига асосан ушлаган.

Улар, Хьюман Райтс Вотчнинг маълум қилишича, ўзбек муҳолифати раҳбарини Стокгольмдаги Норвегия элчихонасини хабардор этмасдан хибсда ушлаб туришган. Швеция расмийлари Муҳаммад Солиҳни орадан бир кун ўтиб қўйиб юборишган.

Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий важаарга асосланган таъқиблари ҳисобга олинадиган бўлса, дейилади Хьюман Райтс Вотч ҳисоботида, расмий Тошкент томонидан хибсга олинishi сўралган ҳар қандай ҳужжатга ишончсизлик билан қаралиши керак.

Хьюман Райтс Вотч ташкилоти Оврўпо ва Марказий Осиё бўйича бошлиғи Холли Картнер Швеция ҳукумати Муҳаммад Солиҳдан расман кечирим сўрашини талаб қилган ва келажакда ўхшаш хатоларга йўл қўймасликка чақирган.

Шу ҳафта бошида Хьюман Райтс Вотч ва бошқа халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари виза таъқиқи қўйилган ўзбекистонлик мулозимлар рўйхатига Президент Ислам Каримовни ҳам киритишни талаб қилишганди.

«Муҳаммад Солиҳнинг Интерпол рўйхатидан олинмагани ҳолда Президент Ислам Каримовнинг Оврўпода беъмалол сафар қилиши - беъманиликдир» - дейилади Хьюман Райтс Вотч ташкилоти баёнотида.

Айни дамда «Эрк» демократик партияси раҳбари Лондонда Британия парламенти вакиллари ва Ташкилотлар вазирлиги мулозимлари билан мулоқотлар ўтказган. Муҳаммад Солиҳ душанба куни Британия парламентидаги Марказий Осиё бўлимида чиқиш қилади.

(BBC, 19.05.2006)

ШИШ ВА САРАТОН (РАК)

Бу ерда кўрсатилган дориларни қўлланган касал таом сифатида, фақатгина юқорида айтиб ўтилган ва саратонга шифо бўладиган янги сабзавот ейиши керак. Мева, тарвуз, асал, айрилган чойлар, кўкарган буғдой, асалли арпа суви, кунига 20-30 граммдан кўп бўлмаган миқдорда ёнгоқ ва қовурилмаган бодом ейилиши керак ва бошқа ҳеч нарса ейилмайди. Жуда хоҳласа, ҳафтада 1-2 марта салат билан бирга 100-150 гр қайнатилган ёки духовкада пиширилган гўшт ёки балиқ ейиш мумкин.

Бу ҳолатдаги касаллар учун буғдой унidan нон ва маҳсулотлари, маргарин ва рафинланган суюқ ёғлар, қовурдоқлар, музқаймоқ, қаҳва, қора чой, қадоқланган таом ва ичимликлар қатъиян ман этилади.

Хоҳиш ва мавсумига қараб ичилиши мумкин бўлган сабзавот суви аралашмалари:

200 гр семизўти суви + 30 гр петрушка суви + сув аралашмаси.

Тенг миқдорда оқ карам ва сабзи суви + 30 гр селдир барги ёки петрушка суви + сув аралашмаси.

Тенг миқдорда сарсабил карами ва сабзи суви + 30 гр петрушка суви + сув аралашмаси.

Тенг миқдорда сабзи ва қизил лавлаг суви + 30 гр бодринг ёки петрушка суви + сув аралашмаси. (Хусусан, простатит, жигар, тухумдон саратонларига қарши.)

Тенг миқдорда исмалоқ ва сабзи суви + 50 гр газанда суви + сув аралашмаси. Сабзи суви + олма суви + сув аралашмаси.

Баҳорда: 100 гр газанда суви + 50 гр сачратқи суви +50-100гр сув аралашмаси. 100-150 гр қатиқ суви + 50 гр газанда суви + 50 гр сачратқи ёки петрушка суви + сув аралашмаси.

50 гр пиёз суви + 100 гр ўртасидаги қаттиқ ўзаги билан бирга сиқилган карам суви ёки газанда суви + 50-100 гр сув аралашмаси.

100 гр ёввойи семизўти суви + 50 гр газанда суви + 50 гр сув аралашмаси.

Фақат мусбат характерли катта шишлар, катта кист ва каттайган ёғ безлари жарроҳлик йўли билан олиниши мумкин. Агар жарроҳлик қилинса, аввал ичак ва жигар тозаланиши, кейин 3 кунлик очликлар 7 марта тутиши керак.

Бу курс жараёнида шиш кўпчиби, осон олинадиган ҳолга келади. Шундай қилиш билан, шиш ва кисталар билан бирга жойлашган органнинг кесилишига ҳожат қолмайди.

Гулар Е., 35 ёш, Истанбул, уй бекаси ҳикоя қилади:

“Мен Ойдин Солиҳга ҳеч тўхтамайдиغان бош оғриқларим билан боргандим. Ойдин хоним менга тухумдонимда кист, бачадонимда миомлар борлигини айтди. Курсни бошладим. Бир муддат давом этган курслардан кейин клиникага, аёллар шифокорига бордим. Ойдин хонимнинг айтганидек, бачадонимда миомлар ва тухумдонимда кист борлигини, ичакларга чарвожлангани ва бунинг дорилар билан даволаб бўлмаслигини, жарроҳлик амалиёти қилиш кераклигини айтди.

Бу ҳолатни Ойдин хоним билан кўришганимизда, курс сўнида барча миом ва кистларнинг бир жойда тўпланишини, шундан сўнг жарроҳлик қилиши мумкинлигини, лекин бачадон ва тухумдонларимни қатъиян олдирмаслигимни айтди. Мен жарроҳликни умуман хоҳламаётган эдим, 3 ой давомида Ойдин хоним курсини ўтганимдан кейин, оиламдагиларнинг зўрлаши билан жарроҳлик амалиётига рози бўлдим. Фақат Ойдин хонимнинг маслаҳати билан амалиётдан олдин 3 кун давомида очлик тутдим.

Амалиётда шифокорларнинг ҳайратланиб, “мужда” деганларини эшитдим. Чунки жарроҳлар менинг бачадон ёки тухумдонлар олишга тайёрланар эканлар, бачадонимдаги миомлар ўз-ўзидан тушди. Апельсин каби пишган икки кистни ҳам жарроҳлар ўзлари олиб ташлабди.

Шундай қилиб, бачадон ва тухумдон олинмади.

Тўхтамаган бош оғриқларим, Аллоҳга шукр, хозир йўқ. Амалиётдан буён 2 йил ўтди. Гинеколог кўригига бордим. Умуман жарроҳлик амалиёти бўлмагандек эканимни айтди. Ойдин хонимнинг тавсияларига амал қилишда давом этаялман. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин”.

Мустафо А., Истанбул, тадбиркор ҳикоя қилади:

“Касаллигим 1997 йил билинди. Безовта бўлиб шифокор кўригига бордим. Чунки қўл, бурун ва жағимда каттарилш бўлди. Олдирган МР натижаси касаллигимнинг гипофиз (миянинг секреция беги) аденомаси эканини айтди”.

Касалликни билганимдан кейин 5 та профессорга кўриндик. Барчаси жарроҳлик амалиёти қилдириш кераклиги, бўлмаса касаллик натижасида кўр ёки юқори даражали қанд хастаси бўлишим мумкинлиги, жинсий ҳаётим бўлмаслигини айтди. Ҳатто Америкада ишлаган профессордан “амалиёт бўлсам, қутуламми?”, деб сўраганимда, у бир киши шу каби амалиётдан кейин вафот этганини айтди. Энг ёмон кунларим эди, у кунларни эслашни хоҳламайман. Улим Аллоҳдан, шифокор даво излайди, лекин ҳеч қандай даво қилмади, деган кунимиз Аллоҳ бир эшик очди. Мен ҳам шундай тушкун юрган кунларимда Ойдин хоним билан учрашдим, у менга даволаниш программаси берди, мен уни тадбиқ қилиб, буғунларга келдим, аммо соғликли келдим.

Ҳозир ҳар кун тонда лимон суви, кунда бир, баъзан икки марта таом ейман, баъзан 3 кунлик очликларни тутаялман. 7.5.2011”

Лейкемия (Оқсон касаллиги) Лейкемия ҳамма ёшда, фақат кўпроқ болалик пайтида 2-5 ёшларда учрайди.

Илк билинган симптомлар иштаҳасизлик, қонсизлик, кучсизланиш, иссиқ чиқиши, оёқларда суюк оғриқлари, қизил нуқталар ёки қизаришлар ҳолида ўзини кўрсатган тери ости қонашлари, бурун ва милк қонашларидир.

Лейкемия сабаблари:

Генетик мойиллик (қон гуруҳи “А” ва “АВ” бўлганлар), чақалоқ ва болаларда сунъий озикланиш, тиббий дорилар, тана парвариши маҳсулотлари, соч бўёқлари, радиация, ҳашорат ўлдирувчи дорилар каби кимёвий дорилар лейкемияга сабаб бўлишади. («Кўшимча моддалар», “Тиббий дорилар” бўлимларига қаранг.)

Ҳар қандай таъсирга, қоннинг асосий тузилиш жойи бўлган суюк илгидидаги она ҳужайраларда мутация юзага келади. Мутацияга учраган ҳужайралар тезлик билан суюк илги, талоқ, жигар, лимфа безлари, мия ва марказий асаб (нерв) тизимига таъсир қилади.

Ҳомиладорлик пайтида тўхтамайдиغان ҳайз қонашлари, ҳомиладорликнинг илк ойида кўкрақдан оқишни бошлаган сут, ҳомиланинг заиф эканини ва тушиш эҳтимоли борлигини кўрсатади.

Тушиш хавфи ўтиб, жонли туғилган чақалоқлар ва такрорланган бола ташлашлардан кейин замонавий усуллар билан туғилган болаларда ҳам лейкемия бўлиш хавфи бор. Болаларда кузатишган бу лейкемия - катталар жохиллигининг аччиқ ҳақиқатидир.

Замонавий тиббиётда лейкемияни даволаш: Даволаш касалга камида 6 хил кемотерапия дорисини юқори дозада, 4-6 ҳафта давомида томир ва оғиздан берилиши билан бошланади. Бу ерда мақсад ёмон характерли ҳужайраларни йўқотиш. Лекин кемотерапия дорилари, фақат ёмон ҳужайраларни эмас, вужуддаги соғлом ҳужайраларни ҳам йўқотади. Оқибатда, касал ҳолсизланади, сочлари тўкилади, оғзида ва ичакларида яралар очилади.

Вужудни инфекциялардан сақлаган мудофаа ҳужайралари ҳам дори билан йўқотилгани боис, иммунитет тизими ҳам кулайди, ҳар қандай микроб, энг кичик касаллик бутун танада ёйилиб, юксак ҳароратли инфекцияларга сабаб бўлади.

Баъзи болалар вужуди бу “даволаниш”га қарши ўзини ҳимоя қилиб, охиригача курашади. Ва улар бу курсда даволангани учун эмас, унга қарши тураолгани учун ҳам тузаладилар.

Эслатма: Кимётерапия дорилари, аслида, ҳамма билган ҳашорат ўлдирувчи дорилардир.

Даволаш: 2 ҳафта давомида кунда 4-5 марта 30-50 гр баргизуб, сачратқи, семизўти, исмалоқ, қизилқулоқ ёки пиёз суви + 150 гр газанда суви + 30-50 гр сув ичилади.

Ҳар кун 3-4 марта сабзи суви ичилади. Кунда бир марта 1 ош қошиқ занжабил суви ичилади. Ҳар оқшом 30-50 гр зайтун ёғи + 30-50 гр лимон суви ичилади. Ҳеч нарса ейилмайди.

2 ҳафтанинг охирида умуртқага аччиқ қовун ёғи билан компрес қилинади. («Мускул ва Суюк Касалликлари» бўлимига қаранг.)

2 ҳафта ўтиб саратон курси бошланади.

Эслатма: Ойда бир марта хожамот қилиниши мумкин. Аммо зулук қўлланиш мумкин эмас.

(Давоми кейинги саҳифада)

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Кўз касалликлари мия, ошқозон, инчакча ичак, жигар, ўт пуфаги ва буйрак билан боғлиқ. Аввал бу аъзолар даволанади. Тана соғлом бўлса, кўз ҳам ўткирлашади. Оёқнинг бош ва кичик бармоғидан ташқари 3 та бармоқдаги оғриқ кўз безовталигига ишоратдир. Кўзга ҳазмсизликдан ҳам кучли душман йўқ.

Даволаш: Ошқозон ва ичак курсидан бошлаб, навбат билан жигар, мия, қон, буйрак тозаланади. Бу курс бутун кўз касаллари учун зарурийдир.

Кўз ёши каналларида туз йиғилиши ва тикқинлар пайдо бўлиши, кўз ва қовоқларда ўткир ёки сурункали яллиғланиш, иссиқ чиқиши, иссиқ сезувчанлик, чарчаш, томир тикилиши, кўришнинг хиралашиши, кўз босимининг юксалиши, катаракта бошланиши каби муаммолари борлар куйидаги дориларни ишлатишади:

Фенхель, хусусан, ёввойи фенхель суви кўзга томизилади. Мўъжизавий шаклда кўзни қувватлантиради.

1-2 чой қошиқ фенхель ёки арпабодийн уруғи, 150 гр қайнар сувга аралаштирилади, 15 дақиқа дамлангандан кейин сузилади ва совуганидан кейин кўз ваннаси учун ишлатилади.

Ҳафтада 1-2 марта кўзга 1-3 томчи дафна ёғи, зайтун ёки чўпонтелпак ёғлари томизиш кўз касалликларига фойда беради ва кўзни касалликдан асрайди.

Кўзга кунда 1-3 марта 1-3 томчи лимон суви томизилади. Бу 8-10 ҳафта давом этилса, кўзни тозалайди, тузни кетказиши, кўз иссиғини туширади, кўзни қувватлантиради. Лимон суви умр давомида ишлатилиши мумкин.

Кўзёши халтаси ичига 1 томчи асал кўйиш, кўзларга таъсирли фойда беради.

Ёки: Петрушка, чўпонтелпак ёки кўк чой дамлашиб кўзларга компресс қилади кейин бир томчи асал ёки янги лимон суви томизилади.

Ёки: Пиёз ёки саримсоқ сувига айни миқдорда асал аралаштирилиб кўзга эрта-кеч 1-3 томчи томизилади.

Ҳар оқшом чаккаларга седана ёғи сурилади.

Бу амаллар асносида, кунда 2-3 марта, сабзи сувига 7-10 томчи седана ёғи кўшиб, ичилади.


Заъфарон суви ичиш кўзни қувватлантиради, катарактадан сақлайди, томир тикилишларини очади.

Заъфарон суви: 1 тутам заъфаронни 200 гр сув билан аралаштириб, бир кун турганидан кейин сузиб тайёрланади.

Гречихани қайнатиб ичиш, кўзларга она сути ёки янги соғилган сигир сути томизиш, дуккакли унидан хамир қилиб қовоқлар устига кўйиш, бурунга чўпонтелпак ёки анфия (тамаки) тортиш, қулоқлар орқасидан ёки бошнинг орқа томонидан қон олдириш кўз босимини туширади.

Елка, қулоқ орқасидан, бўйиндан, энса чуқурининг пастроғидан, бошдан, бел ва думғазадан хожамот қилиши

Ва: Чаккаларга зулук кўйиш - томир тикилиши, кўришнинг хиралашиши, кўз босимининг юксалиши, катарак-



та бошланиши, кўз жарроҳлиги ўтказган ёки йиқилиш натижасида яраланган кўзни тозалайди, қувватлантиради ва қон айланишини тузатади.

Эслатма: Кўз касалликларида та-рама қон олдириш (хожамот)га курак орасидан бошлаш керак.

Ривожланган ва қотиб қолган ка-

таракта, ривожланган глаукома ва кўз саратони касаллигига, кўз жарроҳлиги ўтказганларга, кемотерапия ва радиотерапия кўрганларга бошдан хожамот қилмайди, юзига банка қўйилмайди.

Аммо бошга ва чаккаларга зулук кўйиш мумкин.

Кўз учун зарарли нарсалар:

Кўп ейиш, кўп сув ичиш, кўп туз ва табиий бўлмаган тузламалар, ўта нордон нарсалар ейиш, пиёз, саримсоқ, қора зайтун ва сирка ишлатиш, ошқозон ва ичакларда газ чиқарадиган таом (хусусан, ширинликлар) ейиш, таомдан кейин ухлаш, кўп ухлаш, кўп жинсий муносабатда бўлиш, тепага қараб ухлаш, ухламаслик, бақириб ва қаттиқ йиғлаш, тез-тез ҳаммомга тушиш, тез-тез юз ва бўйинга банка қўйдириш, тез тез қон олдириш, майда ҳарфли ёзувларни кўп ўқиш.

Кўз учун фойдали нарсалар:

Оз ейиш, индамасдан кўп йиғлаш, аксириш, кулимсираш, бошни зайтун ёғи билан ёғлаш, бурунга зайтун, бодом, дафна ёғларини томизиш, ора сира қусиш, мия, жигар, буйрак ва қон тозалаш, яхши характерли бўлиш, тоза дарё ёки денгизларда сув тагида кўзларни очик тутиш, эрталаб чиққан офтобга қараш, тез-тез лекин қисқа муддат куёшга қараш, маза қилиб ва етарлича ухлаш, баланд ёстиқда ётиш, сочларни ўстириш, тез тараш, ҳар куни сурма ишлатиш, кўзларни тез-тез фенхель суви билан ювиш, оқ кўзиқоринни қайнатиб сувини ичиш.

Кунда 10-15 дақиқа кичик ҳарфли ёзувларни ўқиш фойдали.

Қадимдан инсонлар соат бўлмагани учун куёшга тез тез қарашар, бу сабабдан кўз муаммоси бўлмасди.

Инсон вужудидаги ҳар аъзонинг ўн саккиз минг оламда бир мисоли борлиги каби, кўзнинг мисоли ҳам куёшдир.

Оғиз соғлиги

Ҳар бир тишнинг тагида турли аъзоларга боғланган иккитадан акупунктур нуқтаси (олувчи) мавжуд. Еб ичилмайдиган озуқа ва энергия чайнаш билан бир-биридан ажралади. Энергия бу акупунктур нуқталари воситасида тананинг умумий энергия оқимига аралашади.

Милклар бутун аъзолар билан боғлиқ. Милкда бошланган бир касаллик милкка боғланган аъзога таъсир қилганидек, бир аъзода бошланган касаллик унга боғлиқ милкка ҳам таъсир қилади.

Масалан, олддаги уст милкларнинг

қон айланиши мия қон айланишига боғлиқ. Бу милкларнинг аҳволи ми-янинг аҳволини кўрсатади. Милклар даволанар экан, айни пайтда миядаги қон айланиши ҳам даволанган бўлади. Шундай экан, оғиз касалликларининг даволаниши, албатта, умумий даво-лаш бошланганидан кейин бошланиши керак.

Энг кўп учрайдиган оғиз касалликла-ри, лабларда ва тилда шиш, яра(афт)лар, учуқ ва милк яллиғланишидир.

Лаблар ва тилда шиш - ҳазмсизлик, мизожга тўғри келмаган егуликлар ва ичимликлар, тананинг ҳар қандай жойидаги қуртлар, иммунитет тизимининг заифлашиши, фақат энг кўп Аспирин каби дорилар, Аспартам, Аспасвит, Аспармик каби ширинлаштирувчилар сабабли юзага чиқади.

Шоколад, сақич, ширинликлар, кет-чуп, сосиска, газли ичимликлар, диета таомлари ва ичимликларида ва кўп до-риларда ширинлаштирувчи ишлатилганини унутмаслик керак.

Афт (яра)лар, атрофи қизил кичик яраларга айтилади. Афтлар оғиз ичида пайдо бўлади, тез-тез такорланади. Афтлар - юқумли касаллик эмас.

Мутахассислар афтларини иммуни-тет тизими муаммоларига, ДНК вирус-ларига ва ДНК ўзгаришига боғлашади. Афт (яра)лар, Баҳчат касаллиги, Оқденгиз харорати ва Ичак касалли-кларининг симптоми бўлиши мумкин.

Ароматлар, қўшимчали таомлар, син-тетик ферментлар, синтетик гормон-лар, антиревматик ва антидепрессант каби дорилар афтлар келтирган саба-блар орасида жой олмоқда. ("ДНКдаги ўзгаришлар" бўлимига қаранг.)

Учуқ, лабда, бурун остида ва жинсий аъзолар атрофида пайдо бўлган ичи суюқлик билан тўла шишчалар бўлади. Учуққа Херпес-симплекс вируси сабаб бўлади. Вирус танада ноактив қолиб, ички ва ташқи активланганда учуқ та-крорланади.

Учуқнинг иссиқ чиқиши ёки шамоллашга боғлиқ экани ҳисобга олинаса, умуман кўрқиннинг хожати йўқ.

Лекин Херпес ДНК вируси ҳисобланиб, ДНКга таъсир қилиб, унда ва ҳужайра тузилишида ўзгаришларга сабаб бўлади. Айни пайтда жисмоний, зеҳний ва руҳий ўзгаришларга ҳам олиб бориши мумкин.

Оддий ҳолларда учуқдан қутулиш учун, унга қатик, нордон анор суви ёки сирка суриш етарли бўлади.

Аммо Херпес-симплекс вируси фа-кат очлик ва Қуръони карим ўқиш би-лан кетказилади.

ОЙДИН СОЛИХ

"Ҳақиқий тиббиёт" китобидан
(Давоми келгуси сонда)



"Эркин Юрт" интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қасимов Иброҳим